



TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

O'RGANILAYOTGAN MAMLAKATLAR TILLARINI O'QITISHDA MADANIYATLARARO MULOQOT

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK
MARKAZ

2021



TOSHKENT

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**Филология ва тилларни ўқитиш: (Хитой тили) тингловчилари
учун**

**Ўрганилаётган мамлакатлар тилларини ўқитишида маданиятлааро
мулоқот**

МОДУЛИНИНГ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



Тошкент-2020

Модулнинг ўқув-услуби мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кэнгашининг 2020 йил _____ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофик ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Phd, доц. С. Назарова, ўқитув. Д. Бадалбаев

Тақризчилар: ф.ф.н., проф. Ш.Усманова, Phd О. Очилов

**Ишчи ўқув дастур ТДШУ Илмий Кенгашининг 2020 йил
_____ даги ____ - сонли қарори билан тасдиқقا тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

| | |
|------|---------------------------------------------------------------------|
| I. | Ишчи дастур..... |
| II. | Модулни ўқитишида фойдаланилган интерфаол таълим методлари |
| III. | Назарий материаллар..... |
| IV. | Амалий машғулотлар материаллари..... |
| V. | Кейслар банки..... |
| VI. | Глоссарий..... |
| VII. | Адабиётлар рўйхати..... |

I.Ишчи дастур

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

“Ўрганилаётган мамлакатлар тилларини ўқитишда маданиятлараро мулокот” модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили ўқитишда

маданиятларо мuloқot такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмууда шаклланади.

Ушбу дастур мазкур курснинг коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, коммуникатив тилшунослик лингвокультурология, назарий грамматика, назарий фонетика каби тилшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўп поғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мuloқotнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этса, назарий грамматика эса тилнинг тузилиши ва универсалияларини когнитив, прагматик жиҳатдан талқин қиласди. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукаммал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

Ушбу мажмуа янги педагогик техногогиялар ва тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишни илгари суради ҳамда тингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – тингловчиларда “Ўрганилаётган мамлакатлар тилларини ўқитишда маданиятларо мuloқot” модулининг методологик тамойиллари, асосий тушунча ва мутахассислик профилига мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда матн билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришdir.

“Ўрганилаётган мамлакатлар тилларини ўқитишда маданиятларо мuloқot” модулининг **асосий вазифалари** қўйидагилар:

- маданиятлараро мулоқот назариясининг юзага келиши: сабаб ва омилларини ўрганиш, юқори ва қуий контекстли маданиятларни ажрата билиш;
- маданиятлараро мулоқот муаммолари ва уларнинг ечимини топа билиш;
- тил, маданият ва коммуникация: ўзаро муносабат масалаларини ёритиб бериш;
- маданий карахтлик ва адаптация масаласи ҳамда тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- аслият ва таржимада тиллараро ва маданиятлараро ўзаро таъсир ходисаларини таҳлил қилиш;
- мулоқотга ёрдам берувчи омиллар ва тўсиқларни ўрганиш ва таҳлил қила олиш;
- хитой тилини ўқитишда турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар, тил ва маданиятнинг ўзаро маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;
- инсон онгига акс этган дунёning тилда ифодаланиши ва Хитой дунёси лисоний манзарасини аниқлаш, тилнинг шахс шаклланишига таъсири масалаларини кэнг муҳокама қила олиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар

Курснинг назарий бўлимнинг мақсади маданиятлараро мулоқотнинг асосий муаммоларини мунтазам равишда тақдим этиш, асосий тушунчалар ва терминологияни ўзлаштириш, шунингдек маданий сезгириликни ривожлантириш, маданиятлараро алоқаларнинг турли ҳолатларида коммуникатив хатти-харакатларнинг ўзига хос кўринишини тўғри талқин қилиш қобилиятидир.

Амалий бўлимнинг мақсади - турли маданиятларда маданиятлараро

мулоқот ва коммуникатив услублар жараёнларини ўрганиш; "кўп маданиятлилик" доирасида тингловчиларнинг фикрлаш қобилиятини бошқа маданиятларга нисбатан ижобий муносабат сифатида шакллантириш, замонавий дунёning маданий хилма-хиллиги қадриятларини тан олиш.

Тингловчи:

- Маданиятлааро мулоқот тушунчасини;
- Маданиятлараро мулоқот қоида ва стратегияларини;
- Маданиялараро мулоқот қилиш стратегиясини ўргатишни;
- замонавий глобаллашув шароитида маданий алоқаларни ривожлантириш хусусиятларини гуманитар йўналиш сифатида кўриб чиқиши;
- Хитой, АҚШ ва Фарбий Европада таълимнинг алоҳида бўлими ва доимий университет курси сифатида маданиятлараро алоқа ривожланишининг асосий босқичларини кузатиши;
- маданиятлараро алоқа назариясида бугунги кунда қабул қилинган асосий тушунчалар ва уларни англатувчи атамаларни ўзлаштириши (маданият, алоқа, дунёning маданий суръати, дунёning лингвистик суръати, маданиятнинг туркумланиши; лингвистик шахс, "иккиламчи" лисоний шахс, маданият зарбаси ва бошқалар) ;
- маданий концептлар, лингвокультурэма, маънонинг маданият билан боғлик бўлаги, маданий муҳим ахборот, лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик ҳолат, миллий дунё тасвири ҳақидаги **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- маданиятлааро мулоқот модулининг асосий йўналишлари ва категорияларини англаш;
- маданиятлараро мулоқот модулининг методологик принциплари тамойиллари ва ёндашувларини фарқлаш;
- маданиятлараро мулоқот модулининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;

- маълум бир маданиятда ҳукмронлик қиласиган, унинг тарихий ва маданий ўзига хослигини ташкил этадиган ва когнитив, лингвистик (оғзаки) ва оғзаки бўлмаган даражаларда намоён бўлган қадриятларни, маъноларни ажратиб кўрсата олиш;

- маданиятлараро мулоқот модули бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда қўллаш **малакаларини эгаллаши** зарур;

Тингловчи:

- мавзуларни таҳлил методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, сўз ва матн таҳлилиниг статистик, инференция методи, матн таҳлилиниг статистик методлари) билиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш;
- модул бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш, хуносалар бериш, умумлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш;
- модул бўйича ортирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Хитой тилида маданиятлараро мулоқот модули модули Чет тил ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кэнг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг қуидаги турларидан кэнг фойдаланилади:

- гурухли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);

- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);

- давра сухбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан ҳам кэнг фойдаланилади, жумладан:

- мультимэдия ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари HSK асосида ўқитишининг лингвистик аспектлари ўқув модули яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Аудитория ўқув юкламаси | | |
|----|------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|
| | | жами | жумладан | |
| | | | Назарий | Амалий машғулот |
| 1. | Маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари. | 2 | 2 | |
| 2. | Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият. | 2 | 2 | |

| | | | | |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|----------|-----------|
| 3. | Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Вербал ва новербал коммуникация воситаларининг талқини. | 2 | 2 | |
| 4. | Маданиятлараро мuloқot жараёнларининг тадқики. | 2 | | 2 |
| 5. | Шахс, миллий ва ҳудудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари. | 2 | | 2 |
| 6 | Кодлар аралашуви ҳамда интерференция масалалари. Ўрганилаётган тилни ўқитишда турли маданият вакиллари мuloқotидаги қийинчиликлар. | 2 | | 2 |
| 7 | Маданиятлараро мuloқotда муҳим аҳамият касб этган маданиятга мослашиш. | 2 | | 2 |
| 8 | Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар | 2 | | 2 |
| | Жами: | 16 | 6 | 10 |

ЎҚУВ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу. Маданиятлараро мuloқotнинг шаклланиши ишни ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари

Маданиятлараро мuloқotнинг асосий тушунчалари маданият ва мuloқotдир. Миллий маданият ва халқаро алоқа.

Маданиятлараро мuloқotни билимларнинг алоҳида тармоғи сифатида ва АҚШ, Фарбий Европа, Россия, XXРда классик университет курси сифатида шакллантиришнинг асосий босқичлари.

Маданиятлараро мuloқot (ММ) фанлараро фан сифатида.

Маданият ва ўзини тутиш. Маданий меъёрлар ва маданий қадриятлар.

Маданий қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг ХМКдаги ўрни. Маданий нормалар ва уларнинг маданиятдаги ўрни.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

2-мавзу. Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият

Дунёнинг маданий суръати ва дунёнинг лингвистик суръати.

Маҳаллийнинг призмаси орқали "бегона" маданиятни идрок этиш.

Этноцентризмнинг моҳияти ва унинг ММдаги роли. Маданий ўзига хосликнинг моҳияти ва шаклланиши.

Маданиятни ўзлаштириш: маданият ва ижтимоийлашув этиштириш.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

3-мавзу. Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Вербал ва новербал коммуникация воситаларининг талқини

Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари.

Қарашларни тушунчаси моҳияти ва турлари.

Қарашларни сўзлаш ва ўзгартириш муаммолари.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

4- мавзу. Маданиятлараро мулоқот жараёнларининг тадқиқи

Маданиятни Э. Холлга кўра туркумлаш: "маданий грамматика" тушунчаси.

Вақт:monoхроник ва полихроник маданиятлар.

Вақт: тезлаштирилган маданиятлар ва секинлашган маданиятлар.

Ўтмишга, ҳозирги ва келажакка йўналтиришдаги маданий фарқлар.

Контекст: "юқори" контекстли маданиятлар ва "паст" контекстли маданиятлар. "Ахборот оқимлари" тушунчаси.

Кэнглик (майдон): турли хил маданиятларда шахсий макон ва унга бўлган муносабат.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, кейс, ўз-ўзини назорат*

5-мавзу. Шахс, миллий ва худудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари

"Ақлий дастур" тушунчаси ва уни шакллантириш шартлари.

Турли маданиятларда ҳокимиятнинг масофаси.

Қарама-қаршилик: индивидуализм / колективизм.

Қарама-қаршилик: маданиятнинг эркаклиги / аёллиги.

Ишончсизликдан қочиш.

Кўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

6-мавзу. Кодлар аралашуви ҳамда интерференция масалалари.

Ўрганилаётган тилни ўқитишида турли маданият вакиллари мулокотидаги қийинчиликлар

Тилшунослик шахси тушунчаси. Тилнинг шахсияти ва маданиятлараро мулокот. Миллий лингвистик шахс ва миллий характер.

Шахсий ва жамоавий лингвистик шахс.

Кўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

7-мавзу. Маданиятлараро мулокотда муҳим аҳамият касб этган

маданиятга мослашиш

Тилшунослик шахси тушунчаси ва унинг миллий ўзига хослиги.

Рус маданиятининг асосий тушунчалари (мақсадли тил маданияти билан таққослагандা).

Маданиятлараро алоқада маданий тушунчаларнинг қисман кесишиши ва ажралиб чиқиши. Лакунар тушунчалари.

Ўзаро таъсир қилувчи лингвокультураларнинг "мос келадиган" тушунчалари / тушунчалари соҳаларига эҳтиёж.

Маданиятлараро мулокот жараёнида новербал мулокотнинг ўрни

"Новербал мулокот" тушунчасининг моҳияти.

Новербал мулокотнинг асосий таркибий қисмлари (проксемика, кинесика, ҳид ва тактил билан таъсир ўтказиш, паралингвистик воситалардан фойдаланиш, кўз билан алоқа қилиш) ва уларнинг миллий ўзига хослиги.

Кўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат*.

8-мавзу. Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шоқ ҳодисалар

Оғзаки нутқ хулқ-автор нормалари.

Новербал воситалардан етарли даражада фойдаланиш.

Ритуал хатти-ҳаракатининг хусусиятлари. Фатик алоқа.

Кўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат*.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«КЕЙС-СТАДИ» методи. «Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



«Кейс методи»ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> *якка тартибдаги аудио-визуал иш; *кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки мэдия шаклда); *ахборотни умумлаштириш; *ахборот таҳлили; *муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигини белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> *индивидуал ва гурухда ишлаш; * муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; * асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> *индивидуал ва гурухда ишлаш; *муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; *ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; *муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот | <ul style="list-style-type: none"> *якка ва гурухда ишлаш; * муқобил варианларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; * ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; *якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

Кейс. Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараётганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг дикқатини чалғита бошлади.

Сизнинг ҳаракатингиз....

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар

- *кейсдаги муаммоли вазиятни юзага келтирган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда);
- *мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш)

«ФСМУ» методи


Методнинг мақсади: Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Методни амалга ошириш тартиби: иштирокчиларга мавзуга оид якуний хulosा ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

| | |
|----------|--------------------------------------------------|
| Ф | фикрингизни баён этинг |
| С | фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг |
| М | кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далилланг |
| У | фикрингизни умумлаштиринг |

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

«ВЕНН ДИАГРАММАСИ» методи



Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалashiб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«БЛИЦ-ЎЙИН» методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини

таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги –якка баҳо|| колонкасига

белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини –гуруҳ баҳоси|| бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўплангандан умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу

бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



ЯНГИ ПЕДАГОГИК МЕТОД

- "ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

«ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Намуна:

| афзаллиги | Камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| | | | | | |

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Маданиятлараро муроқотнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мақсади ва вазифалари

Инсон – ижтимоий моҳият. Инсон жамиятда яшайди ва табиийки, у мазкур жамиятнинг бошқа аъзолари билан муроқот қилиши лозим бўлади. Коммуникация термини ҳам лотинча communication, communis “умумий” сўзидан келиб чиқкан.

Демак, сўз инсонларни бир-бири билан боғлайди, уларни муроқот воситасида бирлаштиради. Муроқотсиз жамият бўлмайди, жамиятсиз ижтимоий инсон, маданий ва онгли инсон ҳомо сапиенс бўлмайди. Сўз тилда мужассамлашиб, инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратади. Ҳеч қайси бир фан, ҳеч қайси бир илм сўзсиз мавжуд бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда, билим ва тажрибаларни шакллантириш, уларни қайд қилиб келгуси авлодга қолдириш учун ҳам сўзлар керак бўлади. Хуллас, муроқот инсоният борлигининг тамали, синчини ташкил қиласи.

“Маданиятлараро муроқот” фанининг мақсади – муроқот масалаларини асосан тил ва маданиятга эътибор берган ҳолда таҳлил қилишдан, фарқли маданиятлар орасидаги коммуникацияни осонлаштириш ва тўқнашувларни олдини олишдан иборат.

Хозирги кунда турли халқлар, тиллар, маданиятлар аралашган бир пайтда, бошқа маданиятларга қизиқиш, уларни ҳурмат қилиш, уларни тушунишга ҳаракат қилиш, уларга сабр-тоқат билан ёндашишни ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Айнан шу туфайли маданиятлараро, халқаро муроқот масалалари умумэътиборни тортди.

Кандай омиллар коммуникацияга ёрдам беради, нималар унга тўсқинлик қиласи? Тил ва маданият бир-бири билан қандай муносабатда бўлади? Тилнинг шахснинг шакллантиришидаги таъсири қандай бўлади? Тилда индивидуал ва жамоавий менталитет, мафкура,

маданият қандай акс этади ва қай тарзда шаклланади? Миллий характер нима ва у тил билан қандай шаклланади? Чет тилларини ўрганишда ижтимоий-маданий омилнинг роли қандай бўлади? Она тилидаги бирламчи дунё манзараси ва бошқа 6 тилларни ўрганиш жараёнидаги иккиламчи дунё манзараси тил ва маданиятда қандай вужудга келади? Нима учун бутун дунёни маданиятлараро мулоқот ва маданиятлараро тўқнашув муаммолари ташвишга солиб қўйди? Машхур америкалик сиёсатшунос олим Самуел Хантингтонни учинчи жаҳон уруши сиёсий ёки иқтисодий эмас, балки маданиятлар ва цивилизациялар уруши бўлади, деб башорат қилишига сабаб нима эди?.

Демак, “Маданиятлараро мулоқот” фани юқорида қайд етилган саволларга жавоб беради.

Хитойлик олим Шу Жонгвен хорижий тилни ўқитишда тилнинг миллийлик хусусиятлари ва тил билан боғлиқ маданий тўсиқларни ўрганиб чиқди ва тилни ўқитишда маданиятни ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди. Тилни ўрганиш тилнинг маданий билимларини тушуниш билан узвий боғлиқдир. Суҳбатдошнинг маданий қобилиятини тушуниш, алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги билан самарали амалга оширишга кўмак беради. Биринчидан, хитой тилини олиб қараганда, унинг ривожланиш тарихи узун, бой маданий мероси ва маданий ахборотни ўз ичига олиши; Иккинчидан, ўрганувчилар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хитой тилини чет тили сифатида ўқитадиган маҳсус гурух бўлиб, улар бу тилни ўрганишдан олдин ўзларининг миллий маданиятидаги хулқ-атвор ва маданий психологияси шаклланганлиги, шу сабабли хитой маданияти ва психологияси билан фарқли ёки зиддиятларга эга бўлиши мумкинлиги юзага чиқади. Бундан ташқари, турли мамлакат, худуд ва этниклари ҳар хил маданиятларга эга бўлган талабаларга хитой тили ва маданиятини интеграллашган ҳолда ўқитиш керак. Ши Жонгинг маданият ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Маданиятнинг минглаб таърифлари бор, хитой тилини ўрганувчи давлатлар хитой маданияти борасидаги

ёндашувлар асосида тили ва маданияти ҳақидаги турли даврлар, фанлар ва одамларнинг турмуш тарзига оид фикрларга эга бўлишган”. Хитой тилини ўқитиш бошқармасининг фикрига кўра, “маданий омилларни хитой тилини чет тил сифатида ўқитишнинг роли”, “хитой маданияти ва чет эл маданиятини икки томонлама ёки кўп томонлама ўрганиш”, бундан ташқари, “хитой тилини ўқитишда хорижликларда хитой маданиятини қабул қила олиши ва хитой маданий билимларини шакллантириш жараёнидаги роли”ни назарий асос сифатида ўрганишни аниқлаб олиш мақсадга яқинлаштиради.

Америкалик тадқиқотчилар Жудит Мартин ва Томас Накаяманинг “Маданиятлараро мuloқot вазиятларида” номли асарида маданиятлараро мuloқot масалаларини кўрсатиш учун Муҳаммад ва Алекснинг қуидаги тажрибаларини келтиришади:

Шундай қилиб, “Маданиятлараро мuloқot” фани коммуникация турлари, вербал ва новербал мuloқot, коммуникацияга таъсир кўрсатувчи омиллар, коммуникациядаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари, тил ва маданият муносабати, менталитет, миллий характер, мафкура, олам манзарасининг маданият ва тилда ифодаланиши, маданиятлараро тўқнашувлар, дискриминациялар, стереотиплар, турли маданиятлардаги рамзлар, табулар ва эвфемизмларнинг талқини, гендер ва ҳ.к. масалаларни тадқиқ этади.

Маданиятлараро мuloқot – турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мuloқot бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон муюқот) назарда тутилади. Баъзан маданиятлараро мuloқot “маданиятлар кесишуви” (“кросс-культурал)ни ҳам ифодалайди.

Инсон бошқа одамлардан айро ҳолда яшай олмаганидек, биронта ҳам маданият бошқа халқларнинг маданий ютуқларидан ихоталан ҳолда тўлақонли мавжуд бўла олмайди. Кишилар ҳаёт фаолияти давомида мунтазам равища үз ўтмишига ёки бошқа маданиятларнинг тажрибасига

мурожаат қиласылар. Ҳозирги кунда ер куррасининг чекка жойларида қолиб кетган айрим кичик маҳаллий қабилаларни истисно қилғанда, дунёдан мутлақо узилган маданий ҳамжамиятлар мавжуд эмас. Бугунги кунда ҳар қандай халқ ўзга маданият тажрибасини қабул қилишга ва ўз маданияти маҳсулини бошқа халқлар билан бўлишишга тайёрлиги табиийдир. Бошқа халқлар маданиятига бўлган бундай муносабат “маданиятлараро мулокот” ёки “маданиятларнинг ўзаро алоқаси” деб номланади.

Маданиятларнинг ўзаро алоқаси ҳақида сўз юритилганда, йирик гурухлар (маданиятлар ва субмаданиятлар) орасидаги муносабатлар назарда тутилади. Замонавий ривожланиш шароитида маданий алоқалар инсон ҳаётининг турли соҳаларида – туризм, спорт, шахсий алоқалар ва ҳ.к.да амалга ошади. Бундан ташқари, кейинг йилларда дунёда юз берган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар халқларнинг катта миқёсдаги миграциясига, кўчишига ва уларнинг аралашувига олиб келди. Ушбу жараёнлар натижасида аксарият кишилар илгари уларни ажратиб турган маданий тўсиқларни энгиб бормоқда. Улар ўзга маданиятлар билан танишишга, улар билан аралашиб кэтишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун маданиятларнинг ўзаро алоқаси алоҳида кишилар орасидаги муносабатлар орқали амалга ошмоқда.

Маълимки, маданиятлараро мулокот “хабар юборувчи” ва “хабарни қабул қиливчи” турли маданиятларга мансуб бўлганда, шунингдек, коммуникация иштирокчилари бир-бирининг маданий фарқларини тушуниб етганда амалга ошади.

Маданиятлараро мулокот – муайян маданият ва тил соҳибларининг ўзга маданият ва тил вакиллари билан вербал (нутқли) ва новербал (нутқсиз) мулокот воситасидаги ўзаро алоқа жараёнидир. Бундай мулокотнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг шахсий қоидалари тизимиға эга бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Инсон қандай моҳият?
2. Сўз қандай восита?
3. “Маданиятларо мuloқot” фанининг мақсади нимадан иборат?
4. Муҳаммад ва Алекснинг тажрибалари маданиятларо мuloқotning қайси томонларини кўрсатиб беради?
5. “Маданиятларо мuloқot” фани қайси масалаларни тадқиқ этади?

2-Мавзу: Тил, маданият, маданиятлар типологияси ва коммуникация. Коммуникатив фаолият

Тиллар вақт ўтиши билан ўзгаради, уларнинг эволюциясини қадимги тиллар кейинги босқичлар содир бўлиши учун қандай белгиларга эга бўлганини аниқловчи ва уларни замонавий тилларга таққословчи тарихий тилшунослик ўрганади. Умумий аждоддан келувчи тиллар гуруҳига тиллар оиласи дейилади. Бугунги қунда жаҳонда ЭНГ КЭНГ тарқалган тиллар, жумладан инглизча, испанча, португалча, русча ва ҳиндча ҳинд-европа тиллари; мандарин хитойчаси ва кантонча эса сино-тибет тиллари; арабча, амхарча ва иврит эса семит тиллари; суахили, зулу ва шона эса банту тиллари оиласига киради. Тилшунослар фикрига кўра бугун мавжуд тилларнинг 50 дан 90 фоизигачаси 2100-йилга келиб йўқолиб кэтади.

Тил конкрет нутқ ҳодисалари (айрим гаплар, ҳикоялар, бир неча кишининг сұхбати ва шу каби), жумладан, оғзаки ёки механик усудда тақрорланадиган ва ёзув орқали қайд этиладиган нутқ ҳодисаларида мавжуд бўлади. Кўплаб нутқ ҳодисаларининг структур хусусиятларини тахлил қилиш, қиёслаш ва умумлаштириш муайян тилда мавжуд бўлган элементлар ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмuinи яхлит мураккаб

белги тизими сифатида англаш ва тавсифлаш имконини беради. Ҳозирги даврда турли миллат, элат ва қабилаларга тегишли 2500 дан 5000 тагача (баъзи манбаларда 3000—7000 оралиғида) жонли тил борлиги мълум. Уларнинг ҳар бирида барча тиллар учун умумий бўлган баъзи универсал структур хусусиятлар кўзга ташланади. Лисоний тизим нуқтаи назаридан тилнинг бундай универсал хусусиятлари сифатида барқарорлашган кўплаб тил белгилари — сўзларнинг ва улардан фойдаланиш бўйича умумий (грамматик) қоидаларнинг мавжудлиги; сўзлар таркибида тилнинг энг қисқа (кичик) товуш бирликлари — фонемаларнинг ажратилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Айрим олинган сўз доирасида фонемалар бир ёки бир неча бўғинга бирлашади. Тилнинг камроқ умумий булган структур хусусияти алоҳида сўзлар доирасида янада кичикроқ фонетик-семантик қисмлар — морфемаларнинг ажралишидир. Нутқ жараёнида ҳар қандай нутқ ҳодисасининг гаплар ташкил этиши ҳар қандай товуш тилининг универсал хусусияти ҳисобланади. Умумий хусусиятлар доирасида турли хил тилларда уларни ташкил этувчи элементларнинг чексиз вариантлашуви ва бу элементларнинг нутқ жараёнидаги ўзаро муносабати кузатилади.

Тил меҳнат ва ижтимоий онг билан биргаликда бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган, инсонни ҳайвондан фарқловчи З та энг муҳим хоссалардан бирини ташкил этади. Ушбу хоссалар ичида меҳнат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у жамият мавжудлигининг моддий асоси ҳисобланади.

Тилнинг тафаккур, ижтимоий онг билан алоқаси ниҳоятда узвий, чамбарчасдир. Тил белгилари — сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар — моддий шакллар бўлиб, уларда онгнинг идеал маҳсуллари — аниқ тасаввурлардан тортиб энг мавхум ва умумлаштирувчи тушунчалар ёки ҳукмларгача объектив тарзда ўз аксини топади. Шундай килиб, тил нафақат фикрни ифодалаш ёки фикр алмашиш воситаси, балки ижтимоий онгда фикрларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш воситаси ҳам ҳисобланади. Тил — жамият бойлиги, у жамият аъзоларининг ўзаро

алоқасини амалга оширади, инсоннинг моддий ва маънавий турмушида рўй берадиган барча воқеа ҳодисалар ҳақидаги билимларни жамлайди ва улардан хабардор қиласди; тил айни маънода асрлар мобайнида шаклланади ва мавжуд бўлади. Тафаккур тилга қараганда бирмунча тезроқ ривожланади ва янгиланади, лекин тилсиз тафаккурни тасаввур этиб бўлмайди: тилда ифодаланмаган фикр ноаник, тушунарсиз бир нарса бўлиб, инсонга борлик воқеа-ҳодисаларини англаб этишида, фанни ривожлантириш ва такомиллаштиришида ёрдам бера олмайди. Тафаккур тилсиз мавжуд бўлмас экан, тил ҳам тафаккурсиз яшай олмайди. Биз ўйлаб туриб гапирамиз ва ёзамиз, ўз фикрларимизни тилда аникроқ ва тушунарлироқ баён этишга ҳаракат қиласмиз. Демак, фикрлар тил негизида пайдо бўлади ва унда мустаҳкамланади; тил билан тафаккур бир бутунликни ташкил этади.

Маданият инсон фаолияти ва шу фаолиятнинг аҳамиятини белгиловчи рамзий қурилмалар ва асарлар мажмуидир. Маданият мусиқа, адабиёт, бадиий тасвир, меъморчилик, театр, кинематография, турмуш тарзи каби фаолиятларда намоён бўлиши мумкин. Антропологияда "маданият" атамаси остида маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқариш, эстетик маъно бериш, ҳамда шу жараёнларга боғланган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Бу маънода маданият ўз ичига санъат, фан ва маънавий тизимларни олади.

Маданият — жамият, инсон ижодий куч ва қобилияtlари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. "Маданият" тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас, меҳнат Маданият, бадиий Маданият, турмуш Маданият)ни изохлаш учун қўлланилади. Тор маънода "Маданият" атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

"Маданият" арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик — кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик — шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.

Ўрта аср маданиятининг буюк намояндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва бошқа шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Мас, Форобий фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, "олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади", бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, "маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баббаравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар". Алишер Навоий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш билан бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқликни тушунди.

19-асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган демократик маърифатпарварлик ҳаракатининг намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Доңиш, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий ва бошқа халқни маданиятили қилишнинг омили илм маърифатни эгаллашда деб билдилар. Улар ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илм маориф зўр эҳтирос билан тарғиб қилдилар. Мас, Фурқат фикрича, илм-фан бир машъал бўлиб, инсониятнинг баҳт-саодат йўлини ёритиб туриши керак.

19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати намояндалари, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва бошқа ўзларининг маърифатпарварлик ишлари билан М.

ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Улар турли газета ва журналлар чиқардилар, нашриёт ва босмахоналар ташкил этдилар, кутубхоналар, театрлар, янгича мактаблар очдилар, ўтмиш маданиятизни, тарихимизни тарғиб қилдилар, дунёвий билимларни чуқур эгаллашга даъват этдилар. Маърифатчиликнинг кэнг қулоч ёйиши самараси ўлароқ, халқнинг умуммаданияти юксала борди.

Европада "Маданият" дейилганда дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим тарбия бериш тушунилган (лот. култура — ерни ишлаш, парваришлаш; русчадаги "култура" сўзи ҳам шундан олинган). Маданият фақат мавжуд норма ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган. Маданиятга бундай икки ёқлама ёндашув ҳар қандай жамиятга хос (мас, Қад. Хитойда жен, Ҳиндистонда дхарма). Эллинлар "маданиятсиз" варварлардан ўзларининг асосий фарқини "пайдей", яъни "тарбияланганлик"да деб билганлар. Қад. Римнинг сўнгги даврларида "Маданият" тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар билан ҳам бойиган ва ўрта асрларга келиб кэнг тарқалган. Бу тушунча кейинчалик келиб чиққан цивилизация тушунчасига яқин туради.

Европада маърифатчилик даврида Маданият ва цивилизациянинг "танқиди" вужудга келди (Ж.Ж.Руссо). Бунда "маданий" миллатларнинг бузилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган халқлар ахлоқининг соддалиги ва софлиги қарши қўйилди. Немис файласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан чиқишининг йўлини "руҳ" доирасидан, ахлоқий (И. Кант), естетик (Ф. Шиллер, романтиклар) ёки фалсафий (Г. Гегел) онг доирасидан қидирдилар. Улар бу онг соҳаларини ҳақиқий М. ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар. 19-аср охиридан бошлаб "локал цивилизация" (О. Шпэнглер) деган қараш

юзага келди. Бу ғоя цивилизацияни муайян жамият тараққиётининг сўнгги босқичи сифатида олиб қаради.

Фан-техника тараққий топган шароитда кўпгина социологлар ва маданиятшунослар М.нинг ягона ғоясини изчил амалга ошириш мумкин эмас, деган қоидани илгари сурдилар. Бу полицеентризм, Ғарб билан Шарқнинг азалдан қарама-қаршилиги ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа умумий қонуниятларини инкор этувчи назарияларида ўз ифодасини топди.

Маданиятнинг илмий, тарихий концепсиялариغا қарама-қарши ўлароқ, марксистик назария ижтимоий-иктисодий формациялар ҳақидаги, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро муносабати ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиб, антагонистик жамиятларда Маданият нинг синфий ҳарактери ҳақидаги қоидаларни илгари сурди. Антагонистик формацияларда ҳар бир миллий Маданиятда икки Маданият борлиги ҳақидаги ленинча қараш "хукмрон эксплуататорлик" М.ига "прогрессив демократик" ва "социалистик" М. элементларини қарама-қарши қўйди. Ана шу қоидадан келиб чиқиб, мустабид совет тузуми даврида амалга оширилган "маданий инқилоб" натижасида кўпгина халқлар М.ининг ажойиб дурдоналари йўқ қилиниб, маданий мероснинг миллий илдизлари барбод этилди.

Коммуникатив қобилият – бу педагогик ўзаро ҳаракат соҳасида маҳсус кўринишга эга бўлган мулоқотга қобилиятлиликдир. Психологик адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилади: 1) инсоннинг инсонни тушуна олиши (инсонни шахс сифатида, унинг алоҳида жиҳатларини, мотив ва эҳтиёжларини баҳолаш, ташқи хулқ-авторини ички олами билан боғлиқликда кўриб чиқиши, юз, қўл, гавда ҳаракатларини “ўқиши” кўникмаси) 2) инсонни ўз-ўзини англай олиши (ўз билими, қобилияти, ўз ҳарактери ва бошқа қирраларини баҳолаш, инсон бошқалар томонидан қай тарзда қабул қилиниши ва атрофдагилар кўзи билан баҳолаш); 3) мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш кўникмаси (мавжуд ҳолатни кузатиш, унинг намоён бўлиш

белгилари ҳақида кўпроқ ахборотларни ажарата олиш, уларга эътиборни қаратиш, юзага келаётган вазиятнинг ижтимоий ва психологик моҳиятини тўғри идрок этиш ва баҳолаш).

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий методларига қўйидагилар киради: талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри. Талаб – таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчининг у ёки бу хатти ҳаракати ўқитувчи назоратида бўлиб, ижобий жиҳатлари рағбатлантириб борилади ёки аксинча ножўя хатти-ҳаракати тўхтатиб қўйилади. Истиқбол – таъсирчан педагогик усул бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни, маълум бир мақсадга, орзуга эркин интилиш ҳиссини такомиллаштиради. Бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишларида, қизиқиш ва муддаоларида намоён бўлади. Ушбу усул мактаб ўқувчиларини шахс сифатида энг муҳим инсоний фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни ривожлантиради. Рағбатлантириш ва жазолаш – тарбиявий таъсирнинг энг анъанавий усули бўлиб, ўқувчилар хулқ-авторига ижобий таъсир этишдан иборат. Яхши хулқ, фойдали меҳнат ва хатти-ҳаракат, ахлоқий ҳислат, топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўқувчи рағбатлантирилади. Номақбул хатти-ҳаракат, тартиббузарлик, ўз бурчини бажармаслик жазолаш орқали бартараф этилади. Ушбу усул ахлоқий таъсир кўрсатишни таъминлайди, уни қўллаш жараёнида ўқитувчидан ниҳоятда еҳтиёткорлик, сезгирилик ва хушёрлик талаб этилади. Жамоатчилик фикри – тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим усули бўлиб, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини бажарилиш натижаларига қараб мунтазам рағбатлантириб борища намоён бўлади. Жамоанинг тарбиявий вазифаларини маълум бир йўналишда амалга оширилишини таъминлайди, ўқувчиларнинг бирбирларига дўстона муносабатини шакллантиради. Коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон муюқот) назарда тутилади.

Маданиятлараро мuloқot моҳияттан маҳсус вазиятдаги шахслараро коммуникация бўлиб, у бир иштирокчи бошқа иштирокчининг маданий фарқини сезганда юзага чиқади. Бундай мuloқot турли маданиятлардаги ҳар қандай инсонга хос бўлган фарқли умидлар ва ишончлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Маданиятлараро мuloқot маданият фарқлари кўриниб турган индивидлар ва гурухлар орасидаги рамзий ўзаро муносабат жараёнига асосланади. Ушбу фарқларнинг қабул қилиниши ва уларга муносабат билдирилиши мuloқotнинг кўриниши, шакли ва натижасига таъсир кўрсатади. Маданиятлараро мuloқot жараёнига маданият фарқлари билан бирга, мuloқotчиларнинг ёши, жинси, касби, ва ижтимоий мақоми, шунингдек, унинг сабр-бардоши, уддабуронлиги ва шахсий тажрибаси ҳам таъсир кўрсатади.

Назорат учун саволлар

1. “Маданиятлараро мuloқot” тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Маданиятлар ўзаро таъсирининг қандай даражалари мавжуд?
3. Донор-маданият нима?
4. Реципиент-маданият нима?
5. Маданиятлар ўзаро таъсирининг қандай шакллари мавжуд?

З-мавзу Коммуникатив фаолият даражалари ва коммуникация турлари. Вербал ва новербал коммуникация воситаларининг талқини

Инсоннинг ривожланишини, ижтимоийлашишини, индивиднинг шахс бўлиб шаклланишини, унинг жамият билан алоқасини мuloқotsиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Мuloқot ҳам ўзига хос эҳтиёж. Полшалик олим Е.Мелибруда айтганидек, “шахслараро муносабатлар биз учун сув билан ҳаводек аҳамиятга эгадир”. Мuloқot ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таъриф бериш осон эмас. Шунинг учун одатда “мuloқot” тушунчасининг мазмuni унинг айрим томонларига ургу бериш орқали очиб берилади. Машҳур рус психологи А.В.Петровский

таҳрири остида чиққан «Умумий психология» дарслигига мулоқотни икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот айирбошлаш, ўзаро таъсир ва бир-бирини тушунишдан иборат жараён сифатида талқин етилган.

Ўзбек психология фанининг оқсоқолларидан бири М.Г.Давлетшин муаллифлигидаги «Умумий психология» ўқув қўлланмасида эса, мулоқот “икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашинишдан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир”- деб таъкидланади. Социологиядан энциклопедик луғатда мулоқотга қуийдаги таъриф берилади: “Инсоннинг бошқа кишилар билан алоқага киришиш эҳтиёжини қондириш учун индивидлар ёки ижтимоий гурӯҳлар ўртасида бевосита фаолиятлар, билимлар, малакалар, тажрибалар, ахборотлар алмашинувидаги ўзаро таъсир”. Демак, мулоқот икки ва ундан ортиқ кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш эҳтиёжини қондирига қаратилган ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бунда ахборотлар алмашинилади, муносабатлар ўрнатилади ва ривожлантирилади.

Мулоқотнинг ҳамкорликда ҳаракат қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёнида одамларни бирлаштирадиган восита тил бўлиб, у мулоқотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Ахборотни бошқага йўллаётган киши (коммуникатор) ва уни қабул қилаётган киши (реципиент) муносабат ва биргаликдаги фаолият мақсадларига эришиш учун моҳиятларни кодлаштириш ва кодини очишнинг битта тизимидан фойдаланишлари, яъни «битта тилда» сўзлашишлари керак. Агар коммуникатор ва реципиент турлича «тил»да сўзлашсалар, улар ўзаро ҳамжиҳатликка ва биргаликда фаолият борасида муваффақиятга эриша олмайдилар. Қўлланадиган белгилар (сўзлар, имо-ишоралар ва бошқалар) замиридаги моҳият мулоқотда иштирок этаётганларга таниш бўлган тақдирдагина ахборот алмашиш имкони бўлади.

“Мулоқот” тушунчасини “коммуникация” тушунчасидан фарқлаш лозим. Коммуникация жонли ва жонсиз табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар

алмашинуви, дарахтлардаги ирсий белгиларнинг узатилиши, инсоннинг турли-туман техник воситалар билан алоқага киришиши – буларнинг барчаси коммуникация ҳисобланади. Мулоқот фақат инсонлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида ижтимоийлашиб, шахсга айланиб боради. Мулоқот туфайли инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллайди. Умуман олганда, мулоқот феномени психология фанида атрофлича ўрганилган. Б.Ф.Ломов, Л.А.Карпенко ва бошқалар мулоқотнинг функциялари, ички тузилиши, хусусиятлари борасида жиддий тадқиқотлар эълон қилишган. Уларнинг фикрига таянган ҳолда мулоқотнинг коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ҳамкорликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш) функцияларини алоҳида қўрсатиш мумкин. Ана шу учта функциянинг бирлиги мулоқот жараёнида ҳамкорликдаги фаолият ва иштирокчиларнинг ўзаро таъсир этишдаги ҳаракатларини ташкил этиш усули сифатида майдонга чиқади.

1. Мулоқотнинг коммуникатив жиҳатида индивидларнинг ўзаро маълумот алмасиниши содир бўлади.

2. Мулоқотнинг интерактив жиҳатида индивидлар нафақат билим ва ғоялар, балки ҳаракатлар билан ҳам ўзаро таъсирни амалга оширадилар. Янада аниқлик киритадиган бўлсак, мулоқот шахслараро биргаликдаги ҳаракат, яъни одамларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқалари ва ўзаро бир-бирларига таъсирининг йиғиндиси сифатида юзага чиқади. Ҳамкорликдаги фаолият ва муносабат ижтимоий қоидалар – одамларнинг биргаликдаги ҳаракати ва ўзаро муносабатларини қатъиyan белгилаб қўядиган ҳамда жамиятда удум бўлган хулқ-атвор намуналари асосида амалга ошириладиган ижтимоий назорат шароитида юз беради. Жамият ижтимоий қоидалар сифатида қабул қилган, маъқул топган, удумга айланган ва тегишли вазиятда турган ҳар бир кишидан бажарилишини кутаётган намуналарнинг ўзига хос

тизимини яратади. Уларнинг бузилиши қоидадан четга чиқадиганларнинг хулқ-автори тўғриланишини таъминлайдиган ижтимоий назорат механизмлари (маъкулламаслик, таъна қилиш, жазолаш)ни ўз ичига олади.

3. Мулоқотнинг перцептив жиҳати мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир, яъни мулоқотнинг ушбу жиҳатида бир кишининг иккинчи киши томонидан идрок қилиниши, тушунилиши, баҳоланиши кузатилади. Мулоқотнинг мазкур жиҳатида идрок қилинаётган одамни идрок қилувчи ўзининг шахсий хислатлари билан қиёслаш натижасида англайди ва тушунади. Идрок қилинаётган шахснинг ўрнига идрок қилувчи ўз хоҳиши бўйича мулоҳаза юритиши, уни тушунишга интилиши ўз-ўзини англаш негизида намоён бўлади.

Юқорида қайд этилгандек, мулоқот – бу биринчи навбатда ахборот билан боғлиқ ноёб ҳодиса, ўзига хос ахборот жараёнидир. Умуман олганда, ахборот жараёнлари ахборотни қабул қилиш, саралаш, саклаш, узатиш ва бошқалардан иборат ижтимоий жараёнлардир. Ахборот жараёнлари бутун жамият организмини қуршаб олиб, барча ижтимоий тизимларни қамраганлиги, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, ҳатто, энг кичик қисмида ҳам мавжудлиги билан аҳамиятлидир. Кўриниб турибдики, ижтимоий ахборот асосий турлари ичida ахборот алмашинувидан иборат мулоқот тури устунлик қиласи. Инсонлар мулоқотининг чуқур ижтимоий детерминацияси ҳаёт фаолияти ва умуман олганда, бутун жамият ривожланиши учун ахборот алмашинувининг ўрни қанчалик муҳимлигидан далолат беради.

«Коммуникация» атамаси фанга XX асрнинг бошида кириб келган. «Коммуникация» лотинча коммуникатио, коммунико сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, боғлайман, мулоқот қиласи маъноларини англатади. Ижтимоий фанларда коммуникация биргалиқда ҳаракат қилиш, ўзаро таъсир ҳақидаги илмий билим соҳаси ҳамда ушбу жараёнлар ва уларнинг натижаларини ифодалаш учун қўлланилади. Коммуникация муаммоларига тадқиқотчилар, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин қизиқа

бошлашди. Бунга яққол мисол сифатида 1960-йиллар бошига келиб, фалсафа ва социология илмий адабиётларида коммуникация тушунчасининг юздан ортиқ таърифлари мавжуд бўлганини айтиш мумкин. Тасаввур ҳосил бўлиши учун мазкур таърифлардан фақат тўрттасни келтириб ўтамиш:

1. «Коммуникация – бу мураккаб динамик тизимлар ва унинг ахборотни қабул қилиш, тўплаш, ўзгартириш имконига эга қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви».
2. «Коммуникация – бу ахборотни ўзига хос алмашиш, унинг эмоционал ва интеллектуал мазмунини акс эттириш жараёни».
3. «Коммуникация – инсонларнинг конгитив ва меҳнат фаолияти жараёнида ўзаро муносабатларга киришишнинг ўзига хос шакли».
4. «Коммуникация – новербал ва вербал ҳаракатлар натижасида ахборот олиш».

Кўриниб турибдики, бу таърифларда мазкур феноменнинг айrim жиҳатларигагина ургу берилган. Шунинг ўзи коммуникациянинг нақадар қамрови кэнг ва мураккаб ҳодиса еканига ишорадир. Кибернетика асосчиси Норберт Винер таъкидлашича: «Ахборот алмашинуви – бу жамиятни бирлаштирувчи сегмент». Ижтимоий коммуникация – инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришишнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда ахборот узатиш тил ва бошқа белгилар тизимлари ёрдамида амалга оширилади. Канадалик социолог Маршал Маклюен фикрича, коммуникация усулининг алмашиши тарихнинг ривожланиш босқичларини ифода этади. Шунга кўра у инсоният ривожланишнинг куйидаги даврларини ажратган:

- оғзаки коммуникация (бу даврда жамоа доирасида коммуникатив муҳит коммуникантларни бевосита ҳар томонлама қамраб олган);
- ёзма коммуникация (ёзилган хабарлар вақт ва макон тўсиқларини кесиб ўтган);
- нашр-коммуникация (коммуникантларни ялпи қамраб олишнинг

ошиши, «Геттенберг галактикаси»нинг яратилиши, яъни босма китоблар чоп этиш технологиясининг ихтиро қилиниши);

— мультимэдия коммуникацияси (бевосита мулоқотга глобал миқёсда киришиш).

М.Маклюенning ғоясига биноан, коммуникатив муҳит маданият хусусиятларини белгилаб беради. Унинг фикрича, замонавий маданият мазмунан визуал, XIX аср охири XX аср боши маданияти эса асосан ёзма бўлган. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда социомаданий коммуникация – бу умумэътироф қилинган тушунчаларда асосланган, коммунтаторлар ўзаро муносабатлари мазмуни ҳамда уларнинг ижтимоий муҳити билан шартланган хабарларни алмасиш бўйича икки томонлама жараён.

Коммуникация муаммоларини гуманитар, табиий ва техник фанлар вакиллари тадқиқ қилишади. Фақат инсонлараво эмас, балки ҳайвонлараро, компьютерлараро, «кинсон-машина» ва алоқа тизимларида ахборот алмашинувини ўрганувчи фанларнинг вакиллари – кибернетиклар, биологлар, етологлар, семиотиклар ахборот алмашинувини “коммуникация” деб атайдилар. Шунингдек, XX асрнинг 60-йилларида америкалик социологлар (Лазарсфелд, Липпман, Лассуелл, Мертон, Маклюен ва бошқалар) ўз тадқиқотларида «оммавий коммуникация» атамасини ҳам қўллай бошладилар. Шу тариқа, коммуникация назарияси мустақил фан сифатида шаклланиб бориб, ўзининг предмети, категориялар аппарати, ўз қонуни ва тарихига эга бўлди. У фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик иқтисодиёт ва бошқа фанлар бўйича тадқиқотларнинг натижаларини ўзида мужассам қилган илмий билимнинг комплекс соҳаси ҳисобланади. Коммуникация назарияси ахборот алмашинувининг универсал механизмлари ва қонуниятларини ўрганади. Шунингдек, унинг оммавий коммуникация назарияси, шахслараро коммуникация назарияси каби тармоқлари ҳам мавжуд. Коммуникацияни амалга ошириш имконияти муайян шартлар бажарилгандагина пайдо бўлади. Улар

куйидагилар:

- коммуникатив жараён учун камида икки томоннинг иштироки зарур;
- коммуникация доимо тескари алоқа тамойилига таянади;
- коммуникация маълум белгилар тизимисиз амалга оширилмайди.

Ҳар қандай назарияда бўлганидек, коммуникация назарияси ҳам «ахборот», «коммуникация», «ахборот алмашинуви», «коммуникатив макон» каби ўзига хос тушунчалари (категориялари) га эга. М.Вебер, Г.Гадамер, Г.Шпетлер илгари сурган коммуникация моделида коммуникациянинг асосий натижаси бу инсоннинг бошқа инсон томонидан тушунилиши, ўзаро тушуниш деб аталади. Ахборот жамияти назарияси вакиллари (Д.Белл, А.Тоффлер, Г.Маклюен) коммуникацияга футурологик ёндашадилар. Ушбу назарияда коммуникация воситалари ягона рағбатлантириш ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи тарзида талқин қилинади. Ахборот бу ҳолда маданият ва барча маданий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Коммуникация – бу ўзига хос ахборот алмашинуви бўлиб, унинг натижасида жўнатувчидан қабул қилувчига интеллектуал ва эмоционал ахборотни узатиш жараёни кечади. Коммуникатив жараённинг турли моделлари мавжуд. Мисол учун, Аристотел коммуникация жараёнининг учта (нотик – нутқ – аудитория) компонентини ажратган бўлса, замонавий вариантда у «коммуникатор – хабар – коммуникант» кўринишига эга. Ахборот алмашинуви коммуникациянинг ҳам, мулоқотнинг ҳам марказий хусусияти эканлиги туфайли бу категорияларни тушунтириш, изоҳлаш борасида, табиий равишда, хилма-хилликлар келиб чиқди ва бир қатор ёндашувлар пайдо бўлди. Биринчи ёндашув мазмунан икки тушунчани маъно жиҳатдан айнанлаштиришдан иборат. Бу ёндашув юзага чиқишига йетакчи психолог ва файласуфлар Л.С.Вигоцкий, В.Н.Курбатов, А.А.Леонтьевлар катта ҳисса кўшган. Қатор қомусий ва изоҳли луғатларда «коммуникация» атамаси «хабар йўли, мулоқот» деб талқин қилинган. Украиналик тадқиқотчи, мулоқот назарияси соҳасида таниқли мутахассис

Ю.Д.Прилюк тарихий-лингвистик тадқиқотлар асосида ушбу атамаларнинг дастлабки ва ҳозирги маъноларини этимологик ва семантическим жиҳатдан бир-бирига яқин, шунинг учун «жамиятда ахборот алмашинуви»ни билдирувчи тушунчалар сифатида улар ўзаро тэнгдир, деган тўхтамга келади. Шунга ўхшаш фикрларни Т.Парсонс ва К.Черри каби етакчи хорижий олимлар ҳам билдиришган. Иккинчи ёндашув «коммуникация» ва «мулоқот» тушунчаларини фарқлаш билан боғлиқ. Таниқли файласуф М.С.Каган фикрича, коммуникация ва мулоқот камида икки жиҳатдан фарқланади. Биринчидан, «мулоқот амалий, моддий ва маънавий ахборот алмашинувидир ва у амалий-маънавий характерга эга, коммуникация эса … у ёки бу хабарларни узатиш билан боғлиқ соғ ахборот жараёнидир»[5]. Иккинчидан, улар ўзаро муносабатга киришаётган тизимларнинг алоқа хоссалари бўйича бир-биридан ажралиб туради. Коммуникация субект-объект алоқаси бўлиб, унда субект маълум ахборотни узатади, обект эса ахборотнинг пассив қабул қилувчи сифатида намоён бўлади, унинг вазифаси ахборотни қабул қилиш, тушуниш, яхши англаш ва шу ахборотни инобатга олиб, ҳаракатланишдан иборат. Шундай қилиб, М.С.Каган фикрича, коммуникация бир томонга йўналтирилган жараёндир. Мулоқот эса, аксинча, субъект-субъект алоқаси бўлиб, унда «хабарлар жўнатувчиси ва қабул қилувчилар йўқ, балки сухбатдошлар, умумий фаолият иштирокчилари бор». Мулоқотда ахборот шериклар ўртасида ҳаракатланади, демак, мулоқот жараёни коммуникациядан фарқли равишда икки томонлама йўналтирилганлик характерига эга.

Йирик психолог олим Г.М.Андрееванинг фикрича, мулоқотни коммуникацияга қараганда кэнгроқ категория сифатида талқин етиб, мулоқот тузилмасида учта ўзаро боғланган жиҳатларни ажратишни таклиф қиласи[8]. А.В.Соколов мулоқот коммуникатив фаолиятнинг шакллардан бири, бу шакллар коммуникацияга киришаётган шерикларнинг мақсадларига қараб бир-биридан фарқланади, дея мазкур фикрга қарши чиқади. Яна бир ёндашув бўйича мулоқот жамиятдаги барча ахборот

жараёнларини қамраб олмайды, деган фикрни илгари сурувчи олимлар гурухи мавжуд. Ваҳоланки, ахборот жараёнлари жамият организмини, барча ижтимоий тизимостиларни қамраб олади ва ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, ҳатто, энг кичик қисмида ҳам мавжуд, шу билан бирга, улар ҳамиша ҳам сўз, нутқ ёки матн шаклида бўлмаслиги мумкин. Аслида, вербал (сўз) шаклидаги хабарлар жамиятда ахборот алмашинувининг кичик бир улушини ташкил қиласди, қолган вазиятларда ахборот алмашинуви тилдан фойдаланмасдан амалга оширилади ҳамда ахборот ташувчилари сифатида новербал сигналлар (мимика, интонация, ҳаракатлар ва ҳ.к.), шу билан бирга, маданиятнинг моддий шакллари, буюмлар хизмат қиласди. Маданиятнинг моддий шакллари ахборотни ҳам макон, ҳам замон бўйича узатишга имкон беради. Айнан шунинг учун мулоқот инсонлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш ва таъминлашга қаратилган ҳамда, биринчи навбатда, вербал, яъни тил (нутқ ёки матн) ёрдамида амалга ошириладиган ўзига хос ахборот алмашинуви жараёнларини билдиради.

Тилшунослик қадимги фанлардан бири эканлиги, тил, унинг табиати, бирликлари ҳақида энг қадимги манбалар қимматли маълумот бериши ҳаммага маълум. Табиийки, тилшуносликнинг тадқиқ манбаи – тил. Тил эса, фақат ва фақат инсоний жамиятда унинг ўзига хос алоқа аралашув – мулоқот воситаси сифатида яшаган ва яшайди. Жамиятдан ташкари тил ва тилсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Тилнинг ижтимоий моҳияти ва мулоқотнинг энг асосий воситаси эканлиги ҳамма даврларда барча тилшунослар томондан яқдиллик билан тан олинганлиги ҳолда қадим-қадимдан XX асрнинг 70-йилларигача тилнинг мулоқот воситаси сифатида ўнлаб этник, социал-психик, ситуатив омиллар билан биргаликда воқеланиши тилшунослар диққатидан четда қолиб келди. Тилшунослар мулоқот жараёнида яхлит бир бутунлик сифатида воқеланувчи ва лингво-этно-психо-ситуацион омиллар мажмуи бўлган мулоқот бирликларидан фақат оғзаки ёки ёзма нутқ шаклида воқелана оладиган ҳодисаларнигина

тилшуносликнинг тадқиқ бирлиги сифатида ажратиб олдилар ва уларнинг тадқиқ тахлили билан машғул бўлдилар.

Мулоқотни жамият аъзоларининг ўзаро алоқа-аралашувисиз ва уларнинг бир-бирига таъсирини фикр алмаштириш (ахборот бериш ва ахборот олиш)сиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу сабабли «Нутқий мулоқот» деган тушунча ортиқчадай туюлади. Мулоқотнинг таркибий қисмида нутқ, фикр алмашиш, ахборот бериш мужассамлашган. Лекин нутқий мулоқот (русча: «речевое общение», инглизча: «дискурс») прагматикада кэнг тарқалган атамалардан биридир. Бу нутқ атамасининг кэнг тарқалган ҳам лингвистик, ҳам нолингвистик маъносидир. Фикр баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шакли моддий воқеланиш маъноси билан боғлик. Шунга кура лисоний воситаларнинг моддий шаклда воқеланмаган мулоқот турлари нутқсиз мулоқот деб баҳоланади. Дарҳақиқат, бу ахборот сўзсиз – лисоний воситаларсиз берилган қабул қилинган мулоқот эди.

«Мулоқот» атамаси кўп ҳоларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз, нолисоний воситалар (имо-ишора, ҳар-хил белги, нишона, рамз, символлар) орқали ахборот бериш ва бир-бирининг таъсирига кўра вербал ёки новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади. ёшга, насл-насабга, кийим-бошга эга бўлиши билан бирга, бу иборани маҳсус имо-ишоралар билан ҳамкорликда ва маҳсус тингловчиларга нисбатангина қўллай олади. Масалан: Шайх сўрига чиқиб, меҳмонларни икки ёнига ўтқазгач, бошланглар, деб ишорат етди. Жарчилар югуришиб, ахийлар оқсоқоли ёнига келишди: бирининг қўлида бир коса сув, бирининг қўлида чарм туздон бор эди. Оқсоқол сувга туз солиб, косани баланд қўтарди:

-Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!

-Ваалейкум ассалом! - жавоб берди шайх.²

Бу нутқий фаолият лисоний, этик–эстетик, миллий, маънавий-маданий, ижтимоий, каузал (сабаб, оқибат, мақсад) ва ҳоказо омиллар

мажмуаси билан узвий боғлиқ. Лекин нутқий мuloқотнинг хусусий прагматик атамасини талаб қиладиган асос фақат шугина эмас, нутқий мuloқот семиотик тизимлардан фойдаланишнинг ўзига хос тури бўлганлиги билан ажралиб турганлиги бу хусусият, белгининг (ишора, рамз ва ҳ.к.) лисоний тизимда ва нутқий фаолиятда ўзига хослиги билан bogliқdir. Бу хусусият нимада? Маълумки, тил – қурилишига кўра семиотик система. Лекин лисоний семиотик система бошқа системалардан жиддий фарқ қиласди. Бу фарқлардан асосийси сифатида уч хусусиятни олимлар яқдиллик билан кўрсатадилар. Булар қуийдагилар:

1. Тил қолган барча ижтимоий соҳавий семиотик системалар учун асос бўла олади. Шунинг учун уларни бемалол алмаштирадиган ижтимоий семиотик система дейиш мумкин.
2. Тилда бошқа барча семиотик системалардан фарқли ўлароқ белгидан ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги боғланиш ассиметрик дуализм табиатлидир. Бир шакл ифодаловчи бир неча мазмун ифодаланмиш билан алоқадор бўлиши билан бирга, бир хил мазмун ифодаланмиш, ҳар хил шакл ифодаланмиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.
3. Тил белгилари ўз-ўзидан ривожланиш хусусиятига эга.

Тил рамзлари учун онтологик (табиатан) хос бўлган бу хусусиятлар нутқий фаолият учун хос бўлмайди. Айрим тадқиқотчилар «Мuloқотда белги бўлмайди» деб мuloқот жараёнига, жумладан, нутқий мuloқотни семиотик тизимдан четга чиқарадилар. Ҳақиқатан ҳам нутқий мuloқотда лисоний белгиларда ижтимоийлик, маълум даражада сўнган бўлади. Мuloқотда бўлган шахслар умумижтимоий рамзларни тушуниб олишга шартлашган бўлишлари мумкин. Бу хусусият, асосан, арго ва жарголарда, терминларда ёрқин намоён бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Маданиятлараро мuloқотга оид дастлабки тадқиқотлар қайерда ва қачон вужудга келди?
2. “Маданиятлараро мuloқот” тушунчаси илк бор қайси асарда илмий муомалага киритилди?

3. АҚШ Дипломатик хизматлар институтида маданият фарқлари ҳақидағи назарияни ишлаб чиқиш учун қандай имкониятлар мавжуд еди?
4. Тилшунослар маданиятлараро алоқа масалаларига қандай ёрдам беришади?
5. Тилда қандай моҳиятлар акс этади?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

- 1.Мавзу. Маданиятлараро мuloқot жараёнларининг тадқиқи.
- 2.Мавзу. Шахс, миллий ва худудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари.
- 3.Мавзу. Кодлар аралашуви ҳамда интерференция масалалари. Ўрганилаётган тилни ўқитишида турли маданият вакиллари мuloқотидаги қийинчиликлар.
- 4.Мавзу. Маданиятлараро мuloқotда муҳим аҳамият касб этган маданиятга мослашиш
- 5.Мавзу. Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар

1-мавзу Маданиятлараро мuloқot жараёнларининг тадқиқи

Маданиятлараро мuloқotга оид тадқиқотлар негизини Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатларининг халқаро миқёсдаги нуфузининг ортиши билан боғлаш мумкин. Бу даврда хорижий давлатларда фаолият юритаётган ҳукумат вакиллари ва ишбилармонларнинг турли маданият вакиллари билан ишлаш учун ҳали тайёр эмаслиги сезилиб қолди. Бунга жавобан АҚШ ҳукумати томонидан 1946-йилда “Дипломатик хизмат ҳақида”ти Қонун қабул қилинди ва Дипломатик хизматлар институти – Фореигн Сервисе Институте (ФСИ) ташкил етилди. Дипломатик хизматлар институти қошида хорижга юбориладиган кадрлар учун маҳсус тайёров курслари очилиб, уларни ривошлантириш учун Едвард Т. Ҳалл бошчилигидаги антрополог олимлар

ва тилшунослар (Рай Бирдхистелл ва Георге Трагер) жалб етилди. Бу даврда маданиятлараро ўкув материаллари деярли мавжуд эмасди. Шунинг учун ўкув материаллар курсларга жалб етилган мутахассислар томонидан тайёрланди.

“Маданиятлараро мuloқot” тушунчаси биринчи марта 1954-йилда Г.Трагер ва Е. Ҳаллнинг “Маданият ва коммуникация. Таҳлил модели” номли асарида илмий муомалага киритилган. Мазкур асарда “маданиятлараро мuloқot” инсоннинг ўз истаклари йўлида интилиши лозим бўлган идеал мақсади, уни ўраб турган ташқи дунёга яхшироқ ва самаралироқ мослашиши сифатида талқин қилинди. Шунингдек, асарда маданият ва коммуникацияни ўрганишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Шу тариқа маданиятлараро мuloқot йўналиши шакллантирилди ва у ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан назарий жиҳатдан йетарли даражада ривожлантириб келинмоқда.

Димломатик хизматлар институти томонидан катта қизиқиш билдирилган ходисалардан бири новербал мuloқot эди. Коммуникациянинг новербал жиҳатлари тилшунослар томонидан атрофлича тадқиқ етилди. Тилшунослар новербал мuloқot ҳам худди тил сингари маданиятга боғлиқ бўлади, деган хulosага келдилар. Маданият ва коммуникация тадқиқининг мубошири бўлган Е. Т. Ҳаллнинг “Сукут тили” - Тҳе Сilent Лангуаге (1959) ва “Яширин жиҳат” - Тҳе Хидден Дименсион (1966) каби асарлари янги йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

Димломатик хизматлар институти ходимлари томонидан ҳукумат вакилларининг маданият ва коммуникация назарияси эмас, балки уларни кўпроқ хизматга борадиган мамлакатлардаги бошқарув тамойиллари қизиқтираётгани аниқланди. Е. Т. Ҳаллнинг хорижга юбориладиган кадрларларни махсус тайёрлов курслари учун ўкув материалларини ривожлантиришдаги асосий стратегияси турли маданиятлар орасидаги фарқларни ўрганиш эди. Димломатик хизматлар институтида Е. Т. Ҳалл билан бирга ишлайдиганларнинг аксарияти турли тилларда сўзлашадиган

фарқли маданият вакиллари бўлгани учун бу йерда маданият фарқлари ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиш имконият катта эди. Масалан, у италянлар сухбат чоғида бир-бирлари билан жуда яқин туришини, юононлар ўзаро мулоқотда қўл ҳаракатларини кўп ишлатишларини, ёки хитойликлар сўзлашув пайтида жуда кам қўл ҳаракатларидан фойдаланишларини кузатиши ва тажрибаларини тасдиқлаш учун турли маданий гурӯх аъзоларидан маслаҳат олиши мумкин эди. Бугунги кунда ҳам маданиятлараро мулоқот соҳасида яратилган қўпчилик ўқув қўлланмаларида ушбу тамойилнинг сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Маданиятлараро мулоқотни тасвирилашда дастлаб маданиятни классик тушунишдан фойдаланилди. Бунда миллий ёки этник маданиятнинг меъёрлари, қадриятлари, структуралари ва артефактлари назарда тутилди. Ҳозирги кунга келиб, маданиятни динамик тушуниш устуворлик қилмоқда. Яъни, маданият ҳар қандай ижтимоий гуруҳнинг (масалан: шаҳар маданияти, авлодлар маданияти, ташкилотлар маданияти) турмуш тарзи, феъл-автори, меъёрлари, қадриятлари ва ҳ.к. тизими сифатида талқин қилинмоқда АҚШ Дипломатик хизматлар институтида турли соҳа мутахассислари, жумладан, тилшунослар, антропологлар ва психологлар фаолият олиб боришиди. Коммуникацияга оид тадқиқотларни амалга оширишда ҳар бир мутахассис ўзининг соҳасидаги назарияларга таяниб иш кўрди. Натижада тилшунослик, антропология ва психология соҳаларининг кесиши масида коммуникацияга комплекс ёндашув юзага келди. Бугунги кунда ҳам мазкур ёндашув ўз самарасини бермоқда.

Тилшунослик. Тилшуносликка оид тадқиқотларда “тил ва маданият” масаласига катта эътибор қаратилади. Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характеристери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Агар тилга унинг структураси, вазифалари ва уни ўзлаштириш жиҳатидан қараладиган бўлса, у ҳолда ижтимоий қатlam ёки маданиятнинг компоненти тилнинг таркибий қисми бўлади. Айни пайтда маданиятнинг компоненти тил орқали хабар қилинадиган қандайдир маданий информация эмас. У тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган тилга хос ажралмас хусусиятдир.

Тилшунослар маданиятлараро алоқа масалаларида тилнинг аҳамияти ва ролини тушунишда ёрдам беришади. Улар тилларнинг ботиний ва зоҳирий структуралари жиҳатидан фарқланишини, тил ва реал борлиқ орасидаги ўзаро алоқаларни ёритиб берадилар. Шунингдек, тилшунослар иккинчи ёки учинчи тилни ўрганиш кишиларнинг бошқа маданиятлар ҳақидаги билимларини кэнгайтириши, уларнинг маданиятлараро салоҳиятини кучайтиришига хизмат қилишини уқтиришади.

Антрапология. Антрапологлар маданиятнинг инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаши ва новербал мулоқотнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришади. Жумладан, антраполог Ренате Росалдо (1989) тадқиқотчиларни маданиятни ўрганиш усулларини ўзлаштиришга ундан ва кўпчилик антраполог олимлар унинг изидан борган1.

Инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи билан маданий антрапология шуғулланади. Антрапология номидан ҳам кўриниб турганидек, инсон ҳақидаги фандир. Бироқ инсон ҳақидаги фанлар қаторига барча гуманитар ва айрим табиий фанлар (тиббиёт ва қисман биология) ҳам киради. Инсон ҳақидаги фанларнинг кўп бўлиши табиий, чунки инсон мураккаб, кўп қиррали моҳиятдир. Шунингдек, мазкур фанларнинг барчаси марказида инсон бўлган кишилик жамиятида ривожланади.

Антрапология қайд қилинган инсон ҳақидаги фанлардан ажралиб туради. У инсоннинг бошқа жиҳатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, унинг физик ва маданий ривожланиш жараёнини глобал ва ҳар томонлама ўрганади.

Антропология физик антропология ва маданий антропологияга ажралади. Физик антропология турли ирқларга мансуб бўлган инсоннинг биологик келиб чиқиши ва унинг физик тузилишининг еволюциясини ўрганади. Маданий антропология инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганади.

Демак, маданий антропология инсоният маданий ривожланишининг умумий муаммоларини ўрганувчи, ўзида барча гуманитар фанлар билимларини мужассамлаштирувчи, инсонни “Инсон” қилувчи ва уни ҳайвонот дунёсидан ажратувчи ноёб жиҳатларини тадқиқ етувчи фавқулодда кэнг фундаментал фан ҳисобланади. Бинобарин, ҳайвонларда муайян хатти-ҳаракатлар тизими мавжуд бўлса-да, уларда маданият мавжуд эмас2.

Эвфемизмлар ижтимоий ва маданий хусусиятларига қўра дискурсда ўзига хос ўрин тутади. Турли халқларнинг руҳияти уларнинг дискурсида эвфемизмларнинг юзага чиқиши орқали намоён бўлади.

Роутледге Диостионарӣ оғ Лангуаге анд Лингуистисс (2000)да “эвфемизм –кишилар учун ишлатилиши ёқимсиз ва беадаб бўлган айрим сўзлар ўрнига ноаниқ, кўп маъноли сўзларни қўллаш ва бу орқали ўзларини ноқулай ҳолатлардан чиқаришга уринишларини ифодалайдиган ўзига хос бир усулдир”, деб изоҳланган.

Эвфемизмларнинг келиб чиқишида ижтимоий асос ётади. Кишилар баъзан бошқалар билан мулоқот чоғида ўзлари хоҳлаган нарсани тўғридан-тўғри айта олмайдиган ёки ибораларнинг ўз маъносига қўллаб, сухбатдошларини ноқулай аҳволга солиб қўядиган вазиятлар билан тўқнашиб қоладилар. Бундай қийин вазиятлардан чиқиб кэтиш мақсадида, кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини воситали, “ўраб-чирмаб” ифодалашга ҳаракат қиласидилар. Бунинг натижасига эвфемизмлар юзага келади.

Жамиятнинг ривожланиши билан барча тиллардаги эвфемизмлар ҳам ўзгариб борган. Табиийки, бундай давомли ўзгаришлар маданиятга боғлиқ бўлган. Турли мамлакатлар ўзига хос атроф-муҳитга, ижтимоий тузилишга,

мафкурага, қадриятларга ва ишлаб чиқариш тизимиға эга. Буларнинг барчаси тил қўлланишида, бинобарин, эвфемизмларнинг қўлланишида ҳам ўз аксини топади.

Эвфемизмлар маданий ҳодиса сифатида маданият тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Турли халқлар эвфемизмларидағи маданий ўхшашликлар уларга юкландан вазифаларнинг бир хиллигидан келиб чиқади.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкландар екан, бу маъно сўзниңг қўлланмай қолган маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан-тўғри эвфемизм қўлланади, яъни маълум сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкландади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади.

“Ибтидоий жамоа тузуми даврида ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси паст бўлгани сабабли, кишиларда илмий ва маданий билимлар этишмаган. Шунинг учун ҳам улар турли ирим-чиrimларга ишонишган, тўғридан-тўғри Худодан ёки руҳлардан сўраш баҳцизлик келтиради, деб ўйлашган. Натижада Худо ва руҳларнинг исми табуга айланган ва улар бошқа ном билан атала бошланган. Масалан, Ғарб мамлакатларида насронийлик ривожланган даврларда Худонинг “Ийегова” исми энг катта табу ҳисоблангани учун унинг ўрнига “Қудратли”, “Яратувчи”, “Қутқарувчи”, “Бизнинг Отамиз” ва х.к. эвфемизмлар қўлланилган. Ёки қадимги Хитойда императорларнинг исми билан аташ тақиқланган.

Хитойнинг биринчи императори Чин Ши Хуанг 正月 “Зҳэнг юе” (қамария йилининг биринчи ойи – тҳе фирмст монтҳ оғ а лунар йеар)даги 政 “Зҳэнг” (сиёсат; адолат) белгисини талаффуз қилишдан қочиш мақасадида, 正 “Зҳэнг” (тўғри) белгисига мос келадиган 端月 “Дуан юе” (тўғри)га ўзгартирилган”².

Аксарият лингвомаданиятларда кэнг тарқалган эвфемик сўзлардан бири “ўлим”дир. Инсонларнинг тасаввурида ўлим энг катта баҳцизлик

саналади. Шунинг учун кўпчилик халқларнинг тилида ўлим сўзи тилга олинмайди ва у турли эвфемик сўзлар ва иборалар воситасида ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида: “вафот етмоқ”, “оламдан ўтмоқ”, “бандалик қилмоқ”, “бандаликни бажо келтирмоқ”, “ҳалок бўлмоқ”, “қазо қилмоқ”, “кетмоқ”, “ўтмоқ”, “кузатмоқ”, “хайрлашмоқ”, “мангу уйқуга кетмоқ”, “абадий уйқуга кетмоқ”, “тупроққа қайтмоқ”; турк тилида: “вегат етмек”, “гитmek”, “үдурламак” (кузатмоқ), “ведалашмак”, “гөзйнү юммак”, “яшамині йітірмак”, “дүнья гөзлерині капамак”, “хаятіні теслим етмек”, “хаята гөзлерини юммак”, “хелак олмак”, “ебәдийете интикал етмек”; корейс тилида: “тораката” (қайтиб кетмоқ), “ҳанил нара ката” (осмон шоҳлигига кетмоқ); хитой тилида: “чу ши” (хаётдан кетмоқ), “санг минг” (ҳалок бўлмоқ), “чанг миан” (абадий уйқуга кетмоқ), “яо зхе” (хаётдан бевақт кетмоқ), “минг му” (қўз юммок); хиндий тилида: “чале жана” (кетмоқ), “гузар жана” (ўтмоқ), “дам никална” (рухи чиқмок), “кхо жана” (унут бўлмоқ), “дехант ҳона” (куни битмоқ); рус тилида: “скончаться”, “уйти”, “ушёл из жизни”; инглиз тилида: “то пасс awай” (ўтмоқ), “то ехпире” (вафот етмоқ), “то бе но море” (бошқа бўлмаслик), “то бреатхе онельс ласт” (сўнгги нафасини бермоқ), “то соме то ан енд” (абадиятга кетмоқ), “то слееп тҳе финал слееп” (мангу уйқуга кетмоқ), “ретурн то дуст” (тупроққа қайтмоқ), “то бе ат пеасе” (хузурга қовушмоқ), “то бе аслееп ин тҳе армс оф Год” (Худонинг қўлларида уйқуга кетмоқ) ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Кишилар қўпинча ўз нутқи ва хатти-ҳаракатлари билан бошқа шахсга нисбатан ҳурмат ва еҳтиром даражасини ифодалаш учун қўпол, беадаб сўз ва иборалар ўрнида ёқимли эвфемик сўз ва иборалардан фойдаланишади. Масалан, иккиқат, бўғоз (ўзбек тилида), гебе (турк тилида) сўзлари ўрнида ҳомиладор, оғир оёқли (ўзбек тилида), ҳамиле (турк тилида) сўзлари қўлланилади. Ёки ногирон (ўзбек тилида), ёзёрлї (турк тилида), 残废 “цан феи” (хитой тилида), инвалид (рус тилида) ҳандисаппед (инглиз тилида) сўзлари “кучсиз, яроқсиз” маъноларини ифодалагани учун ҳозирда

уларнинг ўрнига имконияти чекланган шахс (ўзбек тилида), энгелли киши (турк тилида), 残疾 “цан жи” (хитой тилида), человек с ограниченными возможностями (рус тилида), дисаблед (инглиз тилида) каби эвфемик сўз ва иборалар ишлатилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда мазкур сўз ва иборалар барқарорлашиб, улардан оммавий ахборот воситаларида, қонун хужжатларида ва БМТнинг расмий материалларида кэнг фойдаланилмоқда.

Маданиятлар қиёсида рақамлар ҳақидаги турли табуларни ҳам кўриш мумкин. Фарб маданиятида 13 рақамига баҳиззлик келтиради, деб қаралади ва қундалик ҳаётда бу рақамдан фойдаланмасликка ҳаракат қилинади. Масалан, 13 кишининг стол атрофида йиғилиб, тушлик қилиши ёки мажлис ўтказиши деярли кузатилмайди. Шунингдек, дастурхонга 13 кишилик идиш-товоқ қўйиш тақиқланади. Уй, хонадон, қават ва бошқаларда барча бу рақамдан фойдаланишдан қочади1.

Хитой ва Кореяда 4 рақами қатъиян анъанавий табу ҳисобланади. Чунки хитой тилининг талаффуз қоидаларига кўра, 4 сони “си” (тўртинчи оҳанг) шаклида талаффуз қилиниб, у “ўлим/ ўлмоқ” маъносидаги бошқа “死” “си” (учинчи оҳанг)га жуда яқин туради. Шунинг учун мазкур рақам хушланилмайди ва ундан ешик, уй, хона, қават, телефон ва тарихий саналарни белгилашда фойдаланилмайди. Ҳатто, хитойликлар 4 рақамли турар жойлар сотиб олишдан ҳам қўрқишидаи. Аксинча, хитой тилидаги 8 рақами “ба”нинг талаффузи “бой бўлмоқ”, “пул топмоқ” маъноларида қўлланиладиган “фа” сўзига яқин бўлгани учун ундан кэнг фойдаланилади.

Хуллас, эвфемизмлар келиб чиқиши жиҳатидан узок тарихга эга бўлган лисоний ва ижтимоий-маданий ҳодисадир. Эвфемизмлар халқнинг рухияти, дунёқараши, урф-одатлари, удумлари, ирим-сиirimлари ва инончларини акс еттиради. Турли маданиятлар дискурсидаги эвфемизмларни қиёсий ўрганиш маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага чиқадиган тушунмовчиликларни, қийинчиликларни олдини олади, прагматик тўсиқларни бартараф етиб, мулоқотнинг муваффақиятли ва

самарали бўлишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар

1. Антропология қандай фан?
2. “Бихевиоризм” қандай назария?
3. Маданиятлараро мулоқотнинг вужудга келишида қайси соҳаларнинг ҳиссаси катта бўлди?
4. “Маданият” тушунчасини изоҳланг.
5. Тадқиқотчи Вен Шу Лее “маданият” тушунчасининг қайси таърифларини келтиради?

2.Мавзу. Шахс, миллий ва худудий характер, стереотиплар, гендер, ёш ва дискурс хусусиятлари

Шахс — алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади. Шахс ижтимоий-гуманитар фанларда ўз йўналиши, тадқиқот обьекти ва мақсади нуқтаи назаридан турлича талқин етилади. У ўта мураккаб, зиддиятли, қарамақарши, ўзини ўзи инкор этадиган мавжудот сифатида, биологик, физиологик, ижтимоий, маънавий, руҳий, ахлоқий ва естетик ақлийдир, тафаккур обьекти сифатида, ҳатто, фалсафий ва мантиқий, яшаш ҳуқуқи ва ҳаёт мантиғи жиҳатидан тадқиқот манбаига айланиши мумкин.

Шахс, моҳиятига кўра, маданийлашган, онг, ақл орқали фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлган, ижтимоийтарихий анъана, турмуш тарзи ва тажрибага асосланган муайян авлодлар вакили. Шахс феномени инсон оламининг бутун мураккабликларини ўзида мужассам этади. Уни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида турли даврларда тадқиқот олиб борилган. Айниқса, шарқда у юксак ахлоқиймаънавий меъёrlар орқали тушунилган ва олий хилқат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон Ш. сифатида комилликка интилади, ҳаёт мазмунини бойитади, шу асосда

кишилик жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига еҳтиёж сезади.

шахрининг ҳаёт тарзи бевосита жамият ҳаётига дахлдор ва ҳаёт неъматларидан тўла фойдаланишга ҳақли. Шахс тушунчаси инсон тушунчасининг юксак кўриниши, олий мақомидир. Ҳар қандай одам табиий мавжудлиги, яшаш ҳуқуқи ва ҳаёт қадриятига эга бўлган жонзотdir. Бироқ у ҳамма вақт ҳам тўлақонли шахс бўлиб йетилмаслиги мумкин.

Миллий характер - бу маълум бир миллий ҳамжамият учун энг барқарор, атрофдаги дунёни ҳиссий ва сезгир идрок этиш хусусиятлари ва унга муносабат шакллари тўпламидир. Ҳиссиётлар, ҳис-туйгулар, қайфиятларда ифодаланган миллий характер миллий темпераментда намоён бўлади, асосан сиёсий воқеликнинг ҳиссий ва ҳиссий сингдириш йўлларини, сиёсий субъектларнинг ҳозирги сиёсий воқеаларга реакциясининг тезлиги ва интенсивлигини, уларнинг сиёсий манфаатларини намойиш этиш шакллари ва усуслари, улар учун курашиш усусларини белгилайди. амалга ошириш.

Миллий характернинг элементлари жамият ривожланишининг дастлабки, синфгача бўлган босқичларида қўйилган. Улар атрофдаги ҳақиқатни ўз-ўзидан, емпирик, кундалик акс еттиришнинг энг муҳим усули бўлиб хизмат қилдилар.

Тарихий ривожланишнинг кейинги босқичларида жамиятнинг сиёсий тизими миллий характерга таъсир қиласи, аммо унинг сиёсий-ҳаётий тузуми, тузуми, тузуми томонидан тузатилган бўлса-да, унинг қиймат-семантик ядроси доимий бўлиб қолади. Инқирозли вазиятларда, миллий муаммолар ва зиддиятларнинг кучайиши даврида одамларнинг сиёсий хулқ-атворини белгилаб берадиган миллий характернинг айрим хусусиятлари биринчи ўринга чиқиши мумкин.

Одатда миллий характер ажралмас элемент ва шу билан бирга миллатнинг психологик таркибини ва умуман миллий психологиянинг асоси эканлиги одатда қабул қилинган. Бироқ, айнан ўзаро боғлиқ ва бир-бирига боғлиқ бўлган ҳиссий ва рационал элементларнинг мажмуи

миллатнинг ёки миллий характернинг психологик таркибини ташкил этади, у ўзини намоён қиласи ва миллий маданиятда, фикрлаш тарзи ва ҳаракатларида, хатти-ҳаракатлар стереотипларида синади, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, унинг бошқалардан фарқини аниқлайди. И. Л. Солоневич психология, одамлар "рухи" унинг давлат тузилишининг ўзига хослигини белгилайдиган ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, "миллатни шакллантирувчи таркибий қисмлар ва унинг ўзига хос миллий характеристи биз учун умуман номаълум. Аммо миллий ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги ҳақиқати ҳеч кимга ... шубҳа остига қўйиши мумкин эмас." Одамлар "рухи" нинг маълум бир ҳодиса ва жараёнларга таъсири ҳар доим ҳам аниқ кузатилмайди, у етарли тушунчалар ва аниқ ақлий тузилмалар кўринишида ифодаланади, аммо шунга қарамай у мавжуд бўлиб, билвосита анъаналарда, ахлоқда, эътиқодда, ҳис-туйғуларда, кайфиятда, муносабатларда намоён бўлади. Е. Дюргейм одамлар "рухи" нинг энг батафсил хусусиятларидан бирини жамиятнинг барча аъзоларига хос бўлган эътиқод ва туйғулар мажмуаси сифатида берди. Унинг фикрига кўра, ҳалқнинг "рухи" мамлакатнинг шимолида ва жанубида, шаҳар ва қишлоқларда доимий бўлиб, у касбий тайёргарликка, шахсларнинг жинси ва ёш хусусиятларига боғлиқ эмас. Бу ҳар бир авлод билан ўзгармайди, аксинча, уларни бир-бирига боғлаб туради. Шахслар фаолиятида ўзини намоён қилиши билан, у барибир "хусусий онгдан мутлақо бошқача нарсадир", чунки "жамиятнинг психологик турини ифодалайди".

Миллий ўзига хослик, ўзига хос менталитет ва хулқ-атвор мавжудлигини таъкидлаб, "ҳалқ индивидуаллигини" ўрганиш катта қийинчиликларга дуч келаётганлигини таъкидлаш лозим. НА Бердяев адолатли равишда таъкидлаганидек, миллий типнинг таърифида "қатъий илмий таъриф бериш мумкин эмас". Охиригача, охирги чукурликка қадар ҳар доим тушунарсиз нарса бор.

Миллий характер тушунчаси назарий ва таҳлилий эмас, балки

баҳоловчи ва тавсифловчи хусусиятга эга. Биринчи марта саёҳатчилар ундан фойдаланишни бошладилар, сўнгра географлар, этнографлар халқларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатдилар. Шу билан бирга, турли хил муаллифлар его тушунчасига турли хил таркибни киритадилар. Баъзилар миллий характер билан темперамент хусусиятларини, одамларнинг ҳиссий реакцияларини назарда тутган бўлса, бошқалари ижтимоий муносабат, қадрият йўналишларига эътибор беришади, гарчи бу ҳодисаларнинг ижтимоий ва психологик табиати бошқача. Миллий характернинг моҳиятига кириб бориш, С. Л. Франкнинг сўзлари билан айтганда, "фақат маълум бир бошланғич сезги орқали" амалга оширилганлиги сабабли, у "тўлиқ илмий объективликка даъво қилиш учун" жуда субъектив рангга эга ", бу муқаррар равишда схематикага айланади.

Одамларнинг баъзи хусусиятларини санаш ва хусусиятлари, унинг афзалликлари ва камчиликларини таъкидлаш асосан субъектив, кўпинча ноаниқ, кўпинча ўзбошимчалик билан боғлиқ бўлиб, муаллифнинг тадқиқот қизиқиши туфайли. Катта қийинчилик биогенетик ёки ижтимоий-тарихий асосларнинг миллий характерни шакллантиришдаги устуворлигини, унинг авлоддан авлодга ўтиши йўлларини аниқлаш билан боғлиқ.

Тарихий материалларни танлаш ва талқин қилишда субъективликдан ташқари сиёсий ғояларни, қадриятларни идрок этишга, фуқароларнинг сиёсий институтларга, ҳокимият органларига - фуқароларга бўлган муносабатига, сиёсий ўзаро таъсир шаклларига, сиёсий актёрларнинг иштироки ва фаолиятининг хусусиятига таъсир кўрсатадиган миллий хусусиятларни аниқлаш. Улар тарихий тараққиётнинг дискрет даврлари миллий характерга сезиларли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Миллий муаммолар азалдан ҳар хил илмий тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Биринчи жиддий уринишлар 19-асрнинг ўрталарида ривожланган доирада намойиш етилди. Германияда халқлар психологияси мактаблари

(В. Вундт, М. Лапарус, Х. Штайнтал ва бошқалар). Ушбу илмий йўналиш вакиллари тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи дин, тиллар, санъат, афсоналар, урф-одатлар ва бошқаларда ўзини намоён қиласиган парод ёки "бутунлик руҳи" деб ҳисоблашган.

XX аср ўрталарида Америка этнопсихологик мактаби вакиллари. (Р. Ф. Бенэдикт, А. Кардинер, Р. Линтон, Р. Мертон, М. Мед ва бошқалар) ўз эътиборларини маълум бир миллий-этник гурӯхнинг "ўртacha шахси" моделини яратишга қаратдилар, ҳар бир халқда "асосий" шахсият ", унинг вакилларига хос бўлган миллий шахсий хусусиятларни ва миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини бирлаштирган.

Ҳозирги вақтда миллий характерни ўрганишда бирон бир яхлит йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Унинг тадқиқотлари турли хил шароитларда ва турли хил концептуал ва назарий позицияларда олиб борилади. Голландиялик олимлар Дюйкер ва Н. Фрид томонидан миллий характерга оид қарашларнинг етарлича тўлиқ таснифи берилган.

- 1. Миллий характер деганда, маълум бир миллатнинг барча аъзоларига хос бўлган ва фақат улар учун хос бўлган психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши тушунилади. Бу кэнг тарқалган, аммо фанда камдан-кам учрайдиган миллий характер тушунчаси.
- 2. Миллий характер "модал шахс" деб таърифланади, яъни миллатнинг катталар аъзолари орасида маълум бир турдаги шахсларнинг намоён бўлишининг нисбий частотаси сифатида.
- 3. Миллий характерни "шахснинг асосий тузилиши" деб тушуниш мумкин, яъни. маълум бир миллат маданиятида ҳукмронлик қиласиган шахсиятнинг маълум бир намунаси сифатида.
- 4. Миллий характер деганда, маълум бир миллатнинг муҳим қисми томонидан жойлаштирилган позициялар, қадриятлар ва эътиқодлар тизими тушунилиши мумкин.
- 5. Миллий характерни маданиятнинг маълум, маҳсус маънода кўриб чиқилган психологик томонларини таҳлил қилиш натижасида аниқлаш

мумкин.

• 6. Миллий белги ақл-идрок сифатида қабул қилинади, маданият маҳсулотларида ифодаланади, яъни адабиётда, фалсафа, санъат ва бошқаларда. Россиядаги замонавий сиёсий жараённинг этник-миллий хусусиятлари Россияда яшовчи халқлар ва миллатларнинг қабул қилинган этномаданий қадриятлари билан ҳам белгиланади.

Маҳаллий тадқиқотчиларнинг энг муҳим ютуқларига қўйидагилар киради: Ю. В. Бромлининг этногенез назарияси, Л. Н. Гумилёв этносининг биологик ва географик концепцияси, Г. У. Кцоева-Солдатованинг миллатлараро тарангликни ўрганиш. Ушбу муаммога яқинда С. И. Замогилнийнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги менежменти, Е. Н. Резниковнинг этномаданий хусусиятларининг ийерархик тузилиши, А. А. Сусоколовнинг этносининг ахборот назарияси, Т. Тарасова ва Д. В. миллий рус ғоясини ривожлантиришга оид асаллари бор. Чернышевский, маданиятлар учрашуви ғояси, маданий таржима ва можаронинг этнологик нутқи В. Н. Ярская, этник ва ижтимоий Т. Г. Стефаненко, З. В. Сикевич, В. А. Тишковнинг рус трансформацияларининг антропологияси ҳақидаги ғоялари. В. Воронков ва И. Освалд этник ўзига хосликнинг ижтимоий қурилиши тўғрисида ғояларни ишлаб чиқадилар.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, ҳар хил ёш гуруҳлари муаммолари, гуруҳлар бирлашиши, тўқнашувлар, тажовузкорлик, касбий аҳамиятга эга бўлган фазилатлар ётадиган шахснинг қадрият йўналишлари кўпроқ ўрганилади. Этник гуруҳлар вакилларининг қадрият йўналишлари тизими кам ўрганилган, унинг тузилиши ва тизимни шакллантириш омили аниқланмаган, уларнинг таркибий қисмлари ва детерминантлари тақдим этилмаган. Ҳозирга қадар психологияда жамият инқирози шароитида шахсий қадрият йўналишларини ривожлантиришдаги туб силжишлар масалалари бўйича концептуал тадқиқотлар мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда Россиянинг барча минтақалари халқлари янги ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иктисодий тизимга мослашиш даврини

бошдан кечиришмоқда, турмуш тарзи ва анъанавий қадриятларнинг кўп жиҳатларига таъсир кўрсатмоқдалар. Этник ўзига хосликни, этник менталитетни сақлаб қолиш зарурати ва янги шароитларга мослашиш, янги маданиятни ўзлаштириш зарурати ўртасида чукур зиддият пайдо бўлади.

Башорат қилинган натижаларнинг илмий ва амалий мақсадга мувофиқлигига асосланган психологик тадқиқотлар методологияси, Россиянинг турли халқлари этнофорларининг қадрият йўналишларини билишда фойдаланишининг қонуниятлари, тамойиллари, тамойиллари, усууллари, тадқиқотлари ва ишлаб чиқиши воситалари ва тартибларини бирлаштиради, бу унинг ўзига хос тизими ва сиёсий жараёнининг асосий таркибий қисми сифатида хусусиятларини ҳисобга олади. Россия жамияти. Шуни ҳисобга олган ҳолда, сиёсий психология этно-қадрият йўналишларини этнофоранинг асосий хусусиятларида қоладиган ва этнос ривожланишини фаол равишда белгилаб берадиган этник идеаллар, қадриятлар ва меъёрлар онгига акс еттирилган, қабул қилинган ва акс еттирилган деб билади. Этник қадрият йўналишлари - бу ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, инқирозлар даврида қадриятлар тизимининг миллий ўзига хослигини аниқлайдиган ва турли минтақалардаги халқлар ва миллатларнинг этнофорлари қиймат йўналишлари тизимининг ўзгариши учун йўналишни белгилайдиган барқарор белгиловчи омил.

Р.Р.Накохова қадрият йўналишларининг этногенезини тарихий ва психологик ривожланишининг ўзига хос босқичида шахснинг этник-қиймат йўналишларини ассимиляция қилиш, сақлаш, фаолият қўрсатиши ва ривожланиши жараёни сифатида оқилона баҳолайди, бунда ижтимоий мослашув, янги ижтимоий-маданий муҳитга этник ўзига хослик, ассимиляция механизмлари орқали умумий ижтимоий ва маданий қадриятлар, этник гурухнинг маданий қадриятларини жойлаштириш ва ўзгартириш индивидуал ва шахсий қадриятларга ва умуман, сиёсий

жараёнга айланади.

Муайян халқ ва миллат этнофорларининг қадрият йўналишларини ривожлантириш ва фаолиятининг психологик концепцияси минтақадаги этнофорларнинг қиймат йўналишлари тизимини ривожлантириш учун энг мақбул модел потенциалини жалб қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, у сиёсий жараённинг субъектлари сифатида генезисини, фаолият механизмларини ва уларнинг қиймат йўналишларининг ўзгаришини белгилайдиган ўзаро боғлиқ элементлар, шароитлар ва омилларни тақдим этади. Замонавий амалиёт шуни кўрсатадики, динамик таркибий қисмларнинг энг катта ривожланиши (ўзгариши) ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иктисодий инқироз даврида юз беради. Модел барқарор элемент сифатида этно-қиймат йўналишларини ва колективизм, шахслараро муносабатларнинг қиймати ва лотин сифатида аниқлик қийматини ўз ичига олади. Аксарият халқлар этник гурухларининг қадрият йўналишлари тизимини шакллантиришнинг асосий ижтимоий-психологик белгиловчиларидан бири бу миллий урф-одат, анъана, алоқалар ва муносабатларнинг афзал йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлган ахлоқий-ахлоқий кодлар ва қадриятлардир.

Россиянинг турли минтақаларидағи этник-маданий алоқалар ва муносабатларни ривожлантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, этнофорларнинг қадрият йўналишлари тизимида барқарор этно-қадрият йўналишлари энг муҳим, қабул қилинган ва этник идеаллар, қадриятлар ва меъёрлар онгида, фаолияти ва муносабатларда аниқланадиган тизим белгиловчи сифатида қонуниятлар даражасида намоён бўлади. Этнофоранинг асосий хусусиятларида сақланиб қолган ва этноснинг ривожланишини фаол белгилайди. Шу билан бирга, этно-қиймат йўналишлари ижтимоий, маданий ва ижтимоий-иктисодий инқирозлар даврида қадриятлар тизимининг миллий ўзига хослигини аниқлайдиган ва турли халқларнинг этнофорлари қиймат йўналишлари тизимининг ўзгариши йўналишини белгилайдиган барқарор, асосий детерминант

ҳисобланади. Шимолий Кавказ этнофоралари орасида этник қадриятлар, Р.Р.Накохова кўрсатганидек, этносни сақлаб қолиш, анъаналарни ва этник асосларни сақлаб, этносга мансублик қадриятларини бирлаштиради - улар хусусий, аниқ қадриятлар устида жойлашган мета-қадриятлар бўлиб, уларнинг мазмуни янада динамик ва вазиятга асосланган.

Этник қадриятлар воситачи позициясини эгаллаб, этносни этнофоралар билан, этносни бошқа инсон жамоалари - этнослар, жамиятнинг этник тизимлари билан боғлаб, сиёсий жараёнга таъсир йўналишини ва хусусиятини белгилаб беради. Этно-қадрият йўналишлари бу ерда одамларнинг этнофоралари қиймат йўналишлари тизимида тизимни шакллантирадиган ўзига хос қадриятни англашнинг ролини ўйнайди.

Қиймат тизимида этно-қиймат йўналишлари қўйидаги функцияларни бажаради:

- шахснинг ижтимоий муҳитда мавжудлиги даражасида - шахснинг ижтимоий вазиятга нисбатан психологик мослашуви даражасида, умумий грухга мувофиқ шахсий мақсадларини амалга ошириш имкониятида намоён бўладиган шахснинг қадриятлари ва этнос қадриятларини мувофиқлаштириш функцияси;
- грухнинг бошқа грухларга нисбатан мавжудлиги даражасида, бошқа этник грухлар ва ижтимоий тизимларга нисбатан этнос - грухлараро таранглик даражасини, грухлараро қабул қилиш ўлчовини белгилайдиган грух қадриятларини умумий инсоний қадриятлар билан мувофиқлаштириш функцияси.

Этноснинг тизимни шакллантирувчи қадриятлари этнофоранинг қадриятлар тизимидағи ўзгаришлар билан сақланиб, ажралмас бирлик сифатида этнос мавжудлигини таъминлайди.

Турли хил халқлар этнофораларининг қадрият йўналишлари тизимининг генезиси ва ҳозирги ҳолати маълум бир этнофорнинг индивидуал қадриятлари, афзалликлари, даъволари, ҳаракатлари ва хатти-

ҳаракатлари билан шартланган, шунингдек, этнос, этногруптар, жамият ва ушбу муносабатларнинг бошқа субъектлари таъсири билан белгиланадиган муносабатларнинг маҳсус намоёнлари сифатида ифодаланади. Улар орасида этно-қадрият йўналишларига алоҳида ижтимоий-психологик таъсир этнос, оила, клан, яъни анъанавийлик - этнофорларнинг қадрият йўналишлари ривожланиш йўналиши ва моҳиятини белгилайдиган анъанавий ижтимоий институтларнинг барқарорлиги, ўтмиш билан боғланиш кучи ва замонавий қадриятларни филтрлаш орқали амалга оширилади. Этнофорларнинг қадрият йўналишларининг моҳияти индивидуал субъектларнинг шахсий, гурухий ва универсал тузилмалари ва сиёsat субъектларининг алоқаларини, муносабатларини, хулқ-авторини ва ҳаракатларини тартибга солиш жараёнлари орқали намоён бўлади, бу унинг биргаликдаги мақсадига еришиш ва тегишли ақлий ва ижтимоий-психологик тузилмаларга таъсир қилиш.

Умуман олганда, қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, этник-миллий омил сиёсий жараёнда муҳим рол ўйнайди. Бироқ, барча концептуал модификациялар билан, сиёсий жараён нафақат сиёсий раҳбарларнинг ниятлари ёки партия дастурлари асосида, балки турли хил ички ва ташқи омиллар таъсири натижасида ривожланган сиёсий актёрларнинг ўзаро таъсирининг илгари кўрилмаган хусусиятларини акс эттиради деб қабул қилинади.

Сиёсий психология доирасида аниқланган Россия ижтимоий-маданий муҳитида шахс ва гурухни сиёсий жараёнга киритишнинг этник-миллий хусусиятлари, мунтазам белгилари, механизмлари ва омиллари, масалан, Фарбий Европа билан солиштирганда ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда асосан бой тарихий меросни ўзлаштирган сиёсий муносабат, сиёсий фаолият, сиёсий йўналишлар ва позицияларга эътибор қаратилган.

Миллий характер - бу маълум бир миллий ҳамжамият учун энг барқарор бўлган нарса, атрофдаги дунёни ҳиссий ва ҳиссий идрок этиш

хусусиятлари ва унга муносабат шакллари. Ҳиссиётлар, ҳис-туйгулар, кайфиятларда ифодаланган миллий характер миллий темпераментда намоён бўлади, асосан воқеликни ҳиссий ва ҳиссий сингдириш йўлларини, содир бўлаётган воқеаларга реакция тезлиги ва интенсивлигини белгилайди.

Одатда миллий характер ажралмас элемент ва шу билан бирга миллатнинг психологик таркибини ва умуман миллий психологиянинг асоси эканлиги одатда қабул қилинган. Бироқ, бу миллатнинг ёки миллий характернинг ўзини намоён қиласиган ва синиб қўрадиган, миллий маданият, фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатлари, хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари билан ажралиб турадиган, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, унинг бошқаларидан фарқини келтириб чиқарадиган психологик таркибни ташкил етувчи ҳиссий ва оқилона элементларнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига боғлиқ тўпламидир. И.Л. Солоневич одамларнинг психологияси, "руҳи" унинг давлат тузилишининг ўзига хослигини белгилайдиган ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, «миллатни шакллантирувчи компонентлар ва унинг ўзига хос миллий характери биз учун умуман номаълум. Аммо миллий ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги ҳақиқати ҳеч кимга бўйсуниши мумкин эмас ... шубҳа. " Одамлар "руҳи" нинг маълум бир ҳодиса ва жараёнларга таъсири ҳар доим ҳам аниқ кузатилмайди, у етарли тушунчалар ва аниқ фикр тузилмалари кўринишида ифодаланади, аммо шунга қарамай у мавжуд бўлиб, билвосита ўзини анъана, ахлоқ, эътиқод, ҳис-туйгулар, кайфият, муносабатлар. Е. Дюргейм одамлар "руҳи" нинг энг батафсил хусусиятларидан бирини жамиятнинг барча аъзоларига хос бўлган эътиқод ва туйгулар мажмуаси сифатида берди. Унинг фикрига кўра, халқнинг "руҳи" мамлакатнинг шимолида ва жанубида, катта ва кичик шаҳарларда доимий бўлиб, у касбий тайёргарликка, шахсларнинг жинси ва ёш хусусиятларига боғлиқ эмас. Бу ҳар бир авлод билан ўзгармайди, аксинча, уларни бир-бирига боғлаб туради. Шахсларнинг фаолиятида ўзини намоён

қилиши, у "шунга қарамай," шахсий онгдан мутлақо бошқача нарсадир ", чунки" жамиятнинг психологик турини ифодалайди ".

Миллий ўзига хослик, ўзига хос менталитет ва хулқ-автор мавжудлигини таъкидлаб, "миллий индивидуалликни" ўрганиш катта қийинчиликларга дуч келаётганлигини таъкидлаш лозим. Н. Бердяевadolатли равища таъкидлаганидек, миллий типнинг таърифида "қатъий илмий таъриф бериш мумкин эмас". Ҳар доим "охиригача, охирги чуқурликка қадар тушунарсиз" нарса бор.

Миллий характер тушунчаси назарий ва таҳлилий эмас, балки баҳоловчи ва тавсифловчи хусусиятга эга. Биринчи марта саёҳатчилар ундан фойдаланишни бошладилар, сўнгра географлар, этнографлар халқларнинг хулқ-автори ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатдилар. Шу билан бирга, турли муаллифлар ушбу концепцияга турли хил таркибни киритдилар. Баъзилари миллий характер характерини англатади темперамент хусусиятлари, одамларнинг ҳиссий реакциялари, бошқалари ижтимоий муносабат, қадрият йўналишларига эътибор беришади, гарчи бу ҳодисаларнинг ижтимоий ва психологик табиати бошқача. Миллий характернинг моҳиятига кириб бориш амалга оширилганлиги сабабли, С.Л. Френк, "фақат баъзи бир дастлабки сезги орқали", у "тўлиқ илмий объективликка ўхшашлик учун жуда субъектив рангга эга", бу муқаррар равища схематикага айланади.

Қадриятлар идрокига таъсир кўрсатадиган миллий хусусиятларни аниқлаш ҳам объектив қийинчиликларга эга. Улар тарихий тараққиётнинг дискрет даврлари миллий характерга сезиларли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, Россияда 1917 йилги инқилоб тажриба ва анъаналарни етказиш учун анъанавий усусларни, механизмларни тўхтатди. И.А.нинг образли ифодасига кўра. Илийн, инқилоб рус халқининг "ахлоқий ва давлат таянчини синдириди", "атайлаб нотўғри ва чиркин шифо топди". Дарҳақиқат, инқилобдан кейин миллий урф-одатлар рад етилди, уларнинг ворислиги шартлари ва механизmlари сифат

жиҳатидан ўзгарди. Аммо яна бир нарса ҳақиқатдир. Миллий характер бошқа омиллар билан биргаликда инқилобга тескари таъсир қиласи, ўзига хос "рус инқилобий услуги" ни кондиционерлашириди, уни Ғарбий Европадаги инқилобларга қараганда "даҳшатли ва ўта" қиласи.

Миллий муаммолар азалдан ҳар хил илмий тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Биринчи жиддий уринишлар 19-аср ўрталарида Германияда ривожланган халқлар психологияси мактаби (В. Вундт, М. Лапарус, Х. Штайнал ва бошқалар) доирасида намойиш етилди. Ушбу илмий йўналиш вакиллари тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи дин, тиллар, санъат, афсоналар, урф-одатлар ва бошқалар билан ўзини намоён қиласиган одамлар ёки "бутун рух" деб ҳисобладилар.

20-аср ўрталарида Америка этнопсихологик мактаби вакиллари (Р.Ф. Бенэдикт, А. Кардинер, Р. Линтон, Р. Мертон, М. Меад ва бошқалар) ўз эътиборларини у ёки бу миллий-этник одамнинг "ўртacha шахси" моделини яратишига қаратдилар. гурухлар, ҳар бир халқда ўз вакилларига хос бўлган миллий хусусиятлар ва миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини бирлаштирган "асосий шахсият" ни ажратиб кўрсатиш.

Ҳозирги вақтда миллий характерни ўрганишда бирон бир яхлит йўналиши ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Унинг тадқиқотлари турли хил шароитларда ва турли хил концептуал ва назарий позицияларда олиб борилади. Голландиялик олимлар Дюйкер ва Н. Фрид томонидан миллий характерга оид қарашларнинг етарлича тўлиқ таснифи берилган.

- 1. Миллий характер деганда, маълум бир миллатнинг барча аъзоларига хос бўлган ва факат улар учун хос бўлган психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши тушунилади. Бу кэнг тарқалган, аммо фанда камдан-кам учрайдиган миллий характер тушунчаси.
- 2. Миллий характер "модал шахс" деб таърифланади, яъни. миллатнинг катталари аъзолари орасида маълум бир турдаги шахсларнинг намоён бўлишининг нисбий частотаси сифатида.

• 3. Миллий характерни "шахснинг асосий тузилиши" деб тушуниш мумкин, яъни. маълум бир миллат маданиятида ҳукмронлик қиласиган шахсиятнинг маълум бир намунаси сифатида.

• 4. Миллий характер деганда, маълум бир миллатнинг муҳим қисми томонидан жойлаштирилган позициялар, қадриятлар ва эътиқодлар тизими тушунилиши мумкин.

• 5. Миллий характерни маданиятнинг маълум, маҳсус маънода кўриб чиқилган психологик томонларини таҳлил қилиш натижасида аниқлаш мумкин.

• 6. Миллий белги ақл-идрок сифатида қабул қилинади, маданият маҳсулотларида ифодаланади, яъни. адабиётда, фалсафа, санъат ва бошқаларда.

Рус адабиётида асрлар давомида рус халқи баҳамжиҳат бўлган қадриятларни таъкидлаб, миллий характер моҳиятини аниқлашга уринишлар мавжуд. Ушбу ёндашув самарали. Этнососиал архетиплар авлоддан авлодга ақлий стереотипларни, барқарор хулқ-автор услугбларини, ижтимоий дунёқарашнинг хусусиятларини, одамларнинг ижтимоий темпераментини, унинг мослашувининг ўзига хос хусусиятларини, сиёсий соҳадаги йўналишини кўпайтиради. Уларнинг мавжудлиги жамият ҳаётининг етакчи шакллари, жамоатчилик томонидан тан олинишнинг барқарор механизлари, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг устун шакллари ва давлатлар ва фуқароларнинг ўзаро таъсирининг типик табиати билан узоқ вақт давомида мавжуд. Шу билан бирга, стереотипланган ақлий ва сиёсий муносабатларни такрорлайдиган этнососиал архетиплар сиёсий институтларнинг фаолиятига, сиёсий ва маданий муҳитга таъсир қиласи. Муайян тарихий даврда чет ел маданий шакллари муқаррар равища миллий характерга киритилади, инновацион элементлар кэнг тарқалиши мумкин, кўпинча жуда кэнг. Бирок, миллий характернинг семантик ядроси таркибий қисмлари вақтинча ва бошқа омиллар таъсирида бўшашган бўлсада, жуда барқарор.

Шундай қилиб, Ғарб ва маҳаллий фанда миллий характерни шакллантириш муаммолариға ягона нұқтаи назар мавжуд әмас. Баъзилар географик омилларга, бошқалари ижтимоий омилларга устунлик беришади. Баъзи назарияларда миллий характер түшунчаси маълум бир миллий жамоага хос бўлган умумий психологик хусусиятларнинг хусусиятлари орқали аниқланади. Бошқа тушунчаларда асосий эътибор ижтимоий-маданий муҳитни миллат руҳиятининг хусусиятларини шакллантиришнинг белгиловчи таркибий қисми сифатида таҳлил қилишга қаратилган (А. Инкелс, Ж. Левисон). Халқнинг характерини елита характерига қараб белгилайди, деб ишонилади. Айнан иккинчиси миллий хусусиятни, унинг моҳиятини ифода этади. Баъзи тадқиқотчилар маҳсус таърифга ҳожат йўқ деган холосага келишди, чунки барча назариялар охир-оқибат миллий маданиятни психологизациялашган талқинига тўғри келади (Лернер, Харди).

Мавжуд модификацияларга қарамай, миллий характерни ўрганишда олимларнинг учта асосий гурӯхини шартли равишда ажратиш мумкин. Баъзи муаллифлар ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, халқларни қатъий белгиланган ва қарама-қарши этник гурӯхларга айлантиради. Тадқиқотчиларнинг яна бир гурӯхи "миллий характер" түшунчасининг ўзи хаёлий, асоссиз гипотеза, ҳақиқий объектив асосдан маҳрум, мутлақ ғоявий ва шунинг учун илмий бўлмаган тоифадаги, тубдан тасдиқланмайдиган, фақат спекулятив холосалар учун мос бўлган деб ишонишга мойил.

Учинчи гурӯх олимлари иккита ўта нұқтаи назар ўртасида оралиқ позицияни эгаллайдилар. Улар "миллий характер" түшунчаси назарий-услубий ва амалий-сиёсий аҳамиятга эга, гарчи уни емпирик ўрганиш ва олинган натижаларни текширишнинг катта услубий қийинчиликлари туфайли чекланган бўлса ҳам. Шу билан бирга, ҳар қандай халқда маълум бир доминантлар мавжуд бўлиб, улар миллий характер ҳақида одамлар ҳаётининг объектив ҳодисаси сифатида гапиришга имкон беради.

Ф.М.нинг ҳақи эди. Достоевский, у "сиз кўп нарсаларни билишингиз мумкин эмас, фақат ҳис қилишингиз мумкин", деб таъкидлаган. Сиз онгиз равища кўп нарсани билишингиз мумкин. "

Миллий характерни ўрганишда қайд етилган қийинчиликлар миллий "рух" мавҳум нарса сифатида мавжуд эмаслигини, аксинча "ҳақиқий конкрет маънавий моҳият" сифатида, "тўлиқ аниқ ва чинакам ажралмас нарса" мавжудлигини истисно етмайди ва шунинг учун ўзини "тушуниш ва ... тушунишга" мажбур қиласди. Унинг ички тенденциялари ва ўзига хослиги ».

Миллий характерни ўрганишда қуидаги фикрларни ёдда тутиш керак. Биринчидан, ҳар қандай миллий характер бир-бираига зиддир. Баркамол таълим сифатида у қарама-қарши жуфтликларни - яхшилик ва ёмонлик, меҳнацеварлик ва дангасалик, еркинлик ва хизматкорликни севиш, камтарлик ва исён, қатъийлик ва раҳмдиллик ва бошқаларни бирлаштиради. Баъзи хусусиятларнинг изоляцияси, жуфтланган компонентни зарарсизлантириши мумкин бўлган бошқа таркибий қисмларнинг мавжудлигини умуман истисно етмайди. Одамлар психологиясининг салбий хусусиятларини очиш ва ижобий томонларини кучайтириш унинг энг муҳим ижтимоий ва психологик хусусиятларини очиб беришни англатади. Аммо уларнинг ҳеч бири ўзлари томонидан олинган, мутлақо ноёбdir. Миллатнинг психологик хусусиятларнинг тузилиши, элементлар ўртасидаги муносабатлар табиати ўзига хосдир. Ушбу тузилмани ташкил етuvchi барча элементлар нафақат бу халққа, балки бошқаларга ҳам хос бўлган умумийdir. Аммо баъзи хусусиятлар, хусусиятлар, фазилатларнинг устуворлиги ва уларнинг зўравонлик даражаси жуда кэнг доирада ўзгариши мумкин. Шунинг учун, биз ҳукмронлик ҳақида гапирамиз, лекин баъзи хусусиятларнинг ажралмас ҳукмронлиги ҳақида эмас. Халқнинг психологик таркибини таҳлил қилишда миллатнинг асосий психологик хусусиятлари, доминант хусусиятлари, яъни. миллат ичидаги энг кўп сонли гуруҳларга хос бўлган

миллат ичидаги руҳий хусусиятларнинг бир хиллиги (бир хиллиги) ёки бир хиллиги (бир хиллиги) даражаси. Халқнинг ақлий таркиби нисбатан барқарор ва вақтингчалик хусусиятларни ўз ичига олади ва сиёсий вазият уларнинг намоён бўлиш даражасини кучайтириши ёки аксинча, заифлаштириши мумкин. Миллий характер доирасида қатламлар, гурухлар, қатламлар, мінтақавий ва профессионал шаклланишларнинг руҳий хусусиятларининг ўзига хос хусусияти ҳақида ҳам гапириш мумкин. Ушбу ёндашув таҳлилни мураккаблаштиради, аммо уни объектив қиласи.

Иккинчидан, бальзи маданий анъаналар ҳукмронлигига фақат миллий характернинг сабабини излаш ва «айбини» кўриш бепарволикдир. Тарих уни айлантиради, маълум бир биогенетик мойиллик, географик омиллар, ижтимоий тизимнинг табиати, шахсларнинг одатига, одатларига, одоб-ахлоқига, фикрлаш тарзига, хатти-харакатларига таъсир қиласи. Турли миллатлар вакилларининг ва умуман бутун миллатнинг ақлий жараёнлари таркибидаги табиий, генетик жиҳатдан аниқланган фарқлар мавжудлигини рад етмасдан, биз мойиллик, қизиқиш, қадрият йўналишлари, тафаккур ва хатти-харакатларнинг стереотипларини шакллантиришда ижтимоий ва маданий омилларнинг аҳамияти кам эмаслигини таъкидлаймиз. Бу ёки бошқа хусусиятлар сиёсий тизим, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ассимиляция қилинади ва ривожланади. Шундай қилиб, миллий характер, тарихий ва маданий қатламларнинг устма-уст тушиш маҳсули сифатида, ўтмиш таъсирида кўпроқ даражада шаклланади. Бу одамларнинг хулқ-авторига ва билвосита тизимга тўғридан-тўғри таъсир қиласи, унинг ўзгариши йўналишини, моҳиятини, тезлигини белгилайди. Инқизорзининг танқидий даврларида миллий характер асосан миллат хулқ-авторининг услубини белгилайди.

Инсон ўз ҳаётини гендер хусусият билан бошлайди. Бинобарин, чақалоқ дунёга келганда, у қиз бўлса пушти рангли, ўғил бўлса кўк рангли кийимлар ва йўргаклар билан қарши олинади. Туғруқхонага чақалоқни кўргани келганлар гендер хусусиятни аниқлаш учун унинг ўғил ёки қиз

эканлигини сўрашади. Бироқ гендер биологик жинс ёки жинсий хусусият эмас. Мазкур фарқ бизнинг биологик жинс ҳақидаги қарашларимизнинг гендер хусусиятга қай даражада таъсир кўрсатишини тушунишда жуда муҳим саналади.

Гендер – социо-маданий категория бўлиб, жинслар ролини анъанавий ўрганишни назарда тутмайди. Гендер – ижтимоий ва психолигик жараёнларнинг йирик мажмуйи, шунингдек, жамиятда вужудга келадиган ва миллий лисоний шахснинг ахлоқига таъсир кўрсатадиган маданий кўрсатмалар, қоидалардир.

Гендер хусусият деганда, маскулинизм ва феминизм маданий тушунчалари ҳамда аёллик ёки еркакликнинг ўзига хос хусусиятлари тушунилади.

Шарқий славян тилларида, хусусан, немис, франсуз ва бошқа тилларда инглиз тилидан фарқли ўлароқ, “сех” (биологик жинс) ва “гендер” (жинснинг социо-маданий категория сифатида тушунилиши) тушунчалари фарқланилмайди. Бироқ жинсга фақат биологик ҳодиса сифатида ёндашиш мазкур категориал тушунчани торайтириб, юзакилаштириб қўяди, чунки маскулинизм (жасорат) ва феминизм (назокат) бир томондан психиканинг филогенетик боғланган хусусияти бўлса, иккинчи томондан онтогенезда тўпланадиган социо-маданий ҳосиладир. Замонавий социологлар ва файласуфлар “жинс” ва “гендер” тушунчаларини қарама-қарши қўйишади.

Жамиятда аёл ёки еркаклик ўрнига эга бўлиш сезиларли даражада маданий тушунчаларга боғлиқ бўлади. Масалан, айрим фаолиятлар кўпроқ эркакларга ёки кўпроқ аёлларга хослиги билан характерланади. Шундай қилиб, инсонларнинг ов қилиши ёки бичиш-тикиш билан шугулланиши, жанг қилиши ёки шеър ўқиши бошқаларнинг улар ҳақида билдирган фикрларидан ўзгариши мумкин. Кишиларнинг телекўрсатувлар, телесериаллар, футбол ўйинлари ва ҳ.к. томоша қилиши уларнинг

бошқалар билан гендерлашган контекстларда мулоқотга киришувига таъсир кўрсатади

Гендер қўп қиррали тармоқ бўлгани учун у нафақат файласуф ва социологларнинг, балки тилшуносларнинг ҳам эътиборини тортган. Тилшуносликда гендер элементларига эътибор доим ҳам мавжуд бўлган. Еркак ва аёл нутқининг муайян фарқларга эга эканлиги яққол кўриниб туриши дунёнинг барча тиллари учун хосдир. Айрим тилларда бу омил очик намоён бўлса, бошқа тилларда унинг лингвистик асосларини кўрсатиб бериш осон эмас².

1960-йилларнинг ўрталарига келиб тилшуносликда гендер масаласига бўлган қизиқиш уч йўналишдаги тадқиқотларда ўз аксини топди:

- 1) еркак ва аёл нутқининг ижтимоий табиати;
- 2) нутқий мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари;
- 3) тафовутларнинг когнитив аспекти³.

Гендеролингвистика ўз тадқиқ йўналишида икки жиҳатга: муайян тилда эркаклар ва аёллар нутқининг тафовутлари ҳамда муайян тил тизимида еркаклик ва аёллик белгилари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи тил бирликлари тадқиқига эътибор қаратади.

Гендер масаласи тилшуносликнинг социолингвистика йўналишида кэнг миқёсда ўрганила бошланди. Социолингвистика доирасида амалга оширилган тадқиқотларда еркак ва аёлларнинг нутқидаги аксент, урғу, оҳанг, хос сўзлар ва сўзлашув шакллари ўрганилди. Жумладан, У. Лабов, ўзининг “Нью-Йоркда инглиз тилининг ижтимоий стратификацияси” (1966) номли асарида эркаклар ва аёллар нутқидаги тафовутларни кўрсатиб беришга уринди. Л. Милрой Белфастда амалга оширган тадқиқотида (1980) ишчилар синфини уч гурухга ажратади. Л. Милрой мазкур гурухлардаги аёллар нутқининг эркакларнидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилишига эътибор қаратади ва аёллар нутқида эркакларнига қараганда маҳаллий шеваларнинг кам қўлланилганини таъкидлайди.

Феминизм билан бир пайтда вужудга келган “зўравонлик”

назариясида асосий эътибор тилдан фойдаланишда эркак ва аёллар ўртасидаги тафовутларга қаратилди ва мазкур тафовутлар жамиятдаги хукмронлик муносабатлари билан боғланди. Жамиятдаги хукмронлик муносабатларига кўра, эркакларнинг тили меъёр сифатида қабул қилиниши, аёлларнинг эса бу тилда гапиришга мажбурланиши турли баҳсларни келтириб чиқарди.

Америкалик тадқиқотчи Р.Лакоффнинг 1972-йилда чоп етган “Тил ва аёлнинг мақоми” номли мақоласи (кейинроқ 1975-йилда шу ном билан нашр қилинган асари) қайд етилган баҳс-муноザараларга чек қўйди. Р. Лакофф ушбу асарида аёлларнинг эркаклар қўллайдиган тилдан бутунлай фарқ қиласидиган “аёл тили”ни кўллашларига алоҳида ургу берди. Р. Лакоффга кўра, мазкур “аёл тили” ўзига хос қатор хусусиятларга эга бўлиб, у эркаклар тилидан қўйидаги жиҳатларига кўра фарқ қиласиди:

- 1) эркаклар ишлатмайдиган сўзларни (“қизғиш бинафшаранг”) ишлатадилар;
- 2) “қуруқ” баҳоловчи сифатлардан (свеет, дивине, суте) кўпроқ ойдаланадилар;
- 3) эркаклар ишлатадиган тасдиқ шакли ўрнида сўроқ шаклларини қўллайдилар;
- 4) назокат шаклларини кўп ишлатишади;
- 5) кўпинча қатъиятизликни ифодаловчи шакллардан фойдаланадилар;
- 6) Ундалмаларни кўп ишлатишади;
- 7) ўта тўгри грамматикадан фойдаланадилар.

Р. Лакоффнинг тадқиқоти айrim доираларда қўллаб-куватлангани ҳолда, баъзи доираларда аёвсиз танқид остига олинди ва бу танқидлар ҳали ҳам давом етмоқда. Жумладан, 1974-йилда Барр ва Б. Аткинслар Шимолий Каролинадаги Олий маҳкамада 150 соат давом етган суд жараёнида эркаклар ва аёлларнинг нутқини кузатиб, Р. Лакофф “аёл тили” ўрнига “заифлик тили”дан гапириши лозим, деган хulosага келишд

Назорат учун саволлар

1. Э. Сепирнинг фикрича, маданият нима?
2. Тилда қандай моҳиятлар акс етади?
3. “Тил – маданият хазинаси” деганда нималар тушунилади?
4. Тил қандай восита?
5. Коммуникация қандай восита

3 Мавзу. Кодлар аралашуви ҳамда интерференция масалалари.

Ўрганилаётган тилни ўқитишида турли маданият вакиллари

мулоқотидаги қийинчиликлар.

Кодлар аралашуви (ёки бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш) инглизча коде миксинг термининг таржимаси бўлиб, у XX асрнинг 70-йилларида инглиз тилшунослигида пайдо бўлган. Бироқ мазкур термин истеъмолга кирмасидан олдин бу ҳодисага Р.Якобсон эътибор қаратган: “Ҳар қандай умумий код кўп шаклли бўлиб, у хабарнинг вазифаси, адресат ва сухбатдошлар орасидаги муносабатга кўра сўзловчи томонидан эркин танланадиган турли субкодларнинг иерархик (поғонали) мажмуйидир”. Кейинги йилларда кодлар аралашуви ҳодисаси турли жиҳатдан Ауэр (1998), Майэрс-Скоттон (1993), Поплак (1980), McСормиск (2002), Маҳотиан и Санторини (1996), Рамpton (1995) каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Ижтимоий-коммуникатив тизимни таркиб топтирувчи кодлар ва субкодлар вазифаларига кўра тақсимлангандир. Бу мазкур тил жамоасини ташкил етган худди ўша сўзлашувчилар контингентининг умумий мулоқот воситалар мажмуйини мулоқот шароитидан келиб чиқсан ҳолда қўллашини билдиради. Масалан, агар гап адабий тил субкодлари ҳақида кэтадиган бўлса, унда адабий тил эгалари илмий фаолиятда илмий

услубдан, бошқарув органларининг ёзишмаларида, иш юритишида, юриспруденсияда, албатта, расмий услубдан, диний маросимларда эса диний-ташвиқот услубларидан фойдаланиши керак бўлади. Бошқача айтганда, сўзловчи мулоқот шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бир тил воситасидан бошқасига ўтади.

Бунга ўхшаш манзара икки ёки ундан ортиқ тил қўлланиладиган жами-ятларда ҳам кузатилади. Икки ёки ундан ортиқ тилда сўзлашувчилар, одатда бу тилларни мулоқот шароитига қўра “тақсимлашади”: расмий шароитда ҳокимият вакиллари билан бир тилда, кундалик ҳаётда, уйда, қўшнилар ва бошқалар билан иккинчи тилда гаплашадилар. Мазкур ҳолатда ҳам бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтилади, фақат бу ерда биринчи мисолдагидек код тилнинг услублари сифатида эмас, балки турли тиллар сифатида намоён бўлади.

Нутқий мулоқот чоғида сўзловчининг коммуникация шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бир тилдан (ёки тил вариантларидан, диалектдан, услубдан) бошқа бир тил кўринишига ўтиши кодлар аралашуви, яъни бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш дейилади.

Коммуникация шароитидаги қандай ўзгаришлар сўзловчининг бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтишга мажбур қиласди? Масалан, адресатнинг алмашиниши, яъни сўзловчи мурожаат қилган кишининг ўзгариши кодларнинг аралашувига сабаб бўлиши мумкин. Агар адресат сўзлашувчи билган икки тилдан фақат бирини билса, шу пайтгача мулоқотда билингв (зуллисонайн) сухбатдошлар бошқа тил ёки ҳар иккала тилни қўллаган бўлишларига қарамай, мулоқот охирида адрэсатга таниш бўлган тилни қўллашга ўтилади. Масалан, мен (таъкид бизники – Ш.Усманова) Индиана университетида (АҚШда) ишлаган чоғимда вазиятга қўра, ўзбек, рус ва инглиз тилларидан фойдаланишимга тўғри келган. Ўзбеклар доирасида сухбатлашганимда, табиийки, ўзбек тилидан фойдаланганман. Агар сухбатимизга қозоқ ёки қирғиз келиб қўшилса, ўз-ўзидан рус тилини қўллашга ўтганмиз (қозоқ ёки қирғиз тилини бир ўзбек

тушуниши мумкин, лекин ўзбекчани қозоқ, қирғиз ва ҳ.к. тил эгалари түлиқ тушунмайды). Ёки сұхбат рус тилида бораётган бир пайтда орага америкалик келиб қўшилса, унда инглиз тилини қўллашга тўғри келган. Мулоқотга киришувчилар сонининг ўзгариши ҳам кодларнинг қўчишини келтириб чиқаради. Бундай ҳолат икки билингвнинг сұхбатига факат бир тилни биладиган учинчи киши келиб қўшилганда юз беради.

Сўзловчи ролининг ўзгариши ҳам кодлар аралашувини келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлиши мумкин. Масалан, Тошкентда яшовчи ота ёки она ролидаги хоразмлик сўзловчи оиласда, ёхуд ҳамюртлари билан мулоқот чоғида хоразм шевасида гапиради, лекин у иш жойида, бошқарув органларига мурожаат қилганда, ҳатто, кундалик ҳаётда адабий тилнинг меъёрий шаклларидан бирини қўллашга мажбур бўлади. Агар бундай код ўзгариши юз бермаса, уларни иш жойидаги ҳамкаслари ёки бошқарув органларининг вакиллари тушунишмайди ва улар ўзларининг мақсади (аризаси ёки шикоятини қўриб чиқиш)га эриша олмайдилар, яъни коммуникатив муваффақиятсизликка учрайдилар.

Мулоқот мавзуси ҳам кодларнинг танланишига таъсир қиласди. Масалан, бир тилшунос лингвистик фанлар доирасида маъруза қилганда ёки тилшунослар билан мунозара қилганда лингвистик терминлардан ташкил топган илмий услубдан фойдаланади. Лекин мавзу кундалик майший ҳаётга ўтганда, бошқа субкод ўзгариши юз беради.

Инсоннинг кодларни алмаштириш қобилияти унинг тилни (ёки тил субкодларни) юқори даражада билишини, унинг муайян коммуникативлик ва маданият даражасини кўрсатади. Кодларнинг аралашуви механизми кишилар орасидаги ўзаро тушуниш ва нутқий мулоқот жараёнининг қулайлигини таъминлайди. Аксинча, индивиднинг мулоқот шароитига кўра ўз нутқини тақсимлай олмаслиги аномалия сифатида қабул қилинишга ва коммуникатив тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Хуллас, бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш деганда,

сўзлашувчининг бир тилдан (ёки тил субкодларидан) бошқа бир тилга тўлиқ ўтиши тушунилади.

Икки тилни биладиган шахс (билингв)ларнинг нутқида у қўллайдиган тилларнинг ўзаро таъсири кузатилади. Бу ўзаро таъсир нутқида, тилда, шунингдек, ҳар қандай тил ости тизимларида: фонетикада, грамматикада, лексикада намоён бўлиши мумкин.

Интерференция кенг маънода икки тиллилик шароитида тил системаларининг ўзаро таъсирини; икки тилли шахслар нутқида у ёки бу тил меъёрининг бузилишини ифодалайди. Тор маънода икки тилли шахснинг оғзаки ва ёзма нутқида она тили таъсирида иккинчи тил меъёрларининг бузилишини англатади.

Л. Шосаидова ўз тадқиқот ишида хитой тилида мулоқот жараёнида маданий интерференция натижасида рўй берадиган, ўзбек талабаларига хос бўлган ижтимоий-маданий хатоларни қўриб чиқкан:

Хитойликларнинг когнитив англаш борасидаги ўзига хос стереотипларни билмаслик натижасида келиб чиқадиган ва тилда акс этадиган хатолар. Хатоларнинг ушбу тури етарлича бўлмаган сўз бойлиги даражаси билан ва бу хитой ва ўзбек халқлари миллий маданияти миллий онгидаги турли хил ассоциатив қаторларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бунга ўхшаш хатолардан бири, масалан, инсонга тавсиф бераётганда уни турли хил жонзодларга ва қушларга ўхшатиш. (зооморфизмлар асосида инсонга тавсиф бериш). Хитой тилида ит сўзи хоин, тиланчи ёки юзсиз каби Хитой тилида ит сўзи хоин, тиланчи ёки юзсиз каби салбий маъноларни англатса, аждар хитой халқининг аждоди, фаровонлик ва эзгулик рамзидир. Бу борада ўхшаш томонларни айтиб ўтмасликни иложи йўқ. Масалан: бўри, тулки, каби сўзлар ўзбеклар ва хитойликларнинг маданий анъаналарида инсонларга нисбатан кўпроқ қўлланади. Шуниси эътиборлики, бу образларнинг баъзилари икки халқ маданиятида эквивалент кўринишларига эга. Масалан, тулки айёрлик ва муғомбирлик рамзи ҳисобланса, лайлак–баҳт ва тинчлик рамзи.

Хитой халқининг ўзбекларда бўлмаган байрамлари, анъаналари, урф-

одатлари, иионган нарсалари ҳақидағи маълум бир одатдагидек билиш зарур бўлган билимлардан хабардор бўлмаслик оқибатида талабаларда қийинчиликлар пайдо бўлади. Ўзбек маданиятида мавжуд бўлмаган тушунчалар. Масалан: 红包 *hóngbāo*. - қизил хамён, 小康 *xiǎokāng*- камтар ва оқилона тўкинликдаги ҳаёт.

Нутқий маданият ва мулоқот этикетини билмаслик билан боғлиқ хатолар. Бундай хатолар турига этикет қоидалари, мулоқот маданияти қоидаларини бузиш билан боғлиқ хатоларга йўл қўйишларини киритиш мумкин. Бундай хатолар тури ҳар иккала ҳамжамиятдаги муомала вазиятларида моделларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги натижасида юзага келади, бундай ҳолатда талабалар ўзбек маданиятида қабул қилингандар мурожат этиш, хушмуомалалик, миннатдорчилик билдириш, ҳурмат қилиш билан боғлиқ бўлган фикр ифодаларини хитой тилига қўчиришга ҳаракат қиласидар.¹

Икки тилнинг қиёсий таҳлилида олдимизда, лингвистик ва методик вазифа туради. Тилларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини имкон қадар тўлиқ ва чуқур ёритиш лингвистик таҳлилнинг вазифаси ҳисобланади. Методик таҳлилнинг вазифаси ўқув жараёнини жадаллаштириш учун лингвистик таҳлил натижасида олинган материални босқичма-босқич дарс жараёнига тадбиқ қилиш, машқлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбек ва хитой тиллари турли тил оилаларига мансуб бўлиб, морфологик таснифга кўра хитой тили яккаловчи тиллар гуруҳига киради. Мазкур типдаги тилларга хос хусусият сифатида сўзларнинг ўзгармаслиги, сўзларда шаклий ва морфологик элементларнинг мавжуд бўлмаслиги қайд этилади. Бундан келиб чиқиб бўғин ва морфема каби тушунчалар билан мураккаб муносабатда бўлади, дейиш мумкин. Ўзбек тили агглютинатив

¹

Шасаидова Л.Ш. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш усуслари (ўйин методлари асосида). Пед.фан. бўй..... (PhD) илмий даражасини..... диссертация. Т. 2020.

тилдаги тиллар сирасига киради, бунда сўзларнинг грамматик шакли (келишик шакллари) аффиксация усули, яъни сўз ўзагига қўшимча қўшиш орқали ҳосил қилинади: Уй – уйнинг, уйга, уйда ва бошқалар. Шу билан бир қаторда, қайд этиш жоизки, ўзбек тилида янги сўзлар ўзак ёки ясама сўзга сўз ясовчи (ўзак ясовчи) қўшимча қўшиш орқали ясалади. Масалан, иш – работа, ишчи – рабочий, ишсиз – безработный, ишчан – деловой.

Хитой тилида «бўғин» тушунчасига таъриф бериш лозим, чунки ўзбек тилидан фарқли равишда хитой тилида бўғин фақат товуш эмас, маъно бирлиги ҳам саналади. Морфема (词素) – сўзнинг энг кичик маъноли, лекин синтактик мустақилликдан мустасно бўлган қисми ҳисобланади. Масалан, 茶 – chá – (чай) морфемаси якка ҳолда қўлланмайди, 一杯茶 – yībēi chá – бир пиёла чай бирикмаси қўлланиши мумкин. Демак, хитой тилида сўз фонетик жиҳатдан бўғинга, график жиҳатдан иероглифга, яъни график белгилар жамланмасига teng.

Тадқиқ этилаётган муаммо доирасида ўзбекистонлик талабаларни хитой тилига ўқитиши жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар билан хитой олимлари ишларида ёритилган инглиззабон, корейс, япон ва этник хитой бўлган талабаларнинг хитой тилини ўрганиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари келтириб ўтилди.

Ўзбекистонлик филолог-талабаларда хитой тили сўз шакли, маъноси, қўлланишига доир тил лексик қатлами билан боғлиқ қийинчиликлар даражаси аниқланди. Хитой тили лексик қийинчиликларига доир қуйидаги тасниф амалга оширилди (1- жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Хитой тили лексик қийинчиликлари таснифи

| Биринчи гурух | Иккинчи гурух | Учинчи гурух |
|-------------------------------------------|------------------------------|--------------------------------|
| товуш-график хусусиятга эга қийинчиликлар | сўз қўллашдаги қийинчиликлар | лексик-грамматик қийинчиликлар |
| Талаффузга боғлиқ | Синонимлар | Транспозицион сўзлар |
| Модуляция ҳодисаси | Омонимлар | Ҳисоб сўзлар |
| Калиграфия | Омографлар | Қўплик қўшимчаси |

| | | |
|--|---------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| | Умумкомпонентга эга жуфт сўзлар | Боғловчилар |
| | Идиомалар | Гап таркибида сўз ва сўз биримаси ўртасидаги чегарани аниқлаш |

Филолог-талабалар дуч келадиган хитой тили билан боғлиқ лексик қийинчиликлар таҳлили товуш-график, сўз қўллашдаги, лексик-грамматик қийинчиликларга бўлинади.

Умуман, икки тилни биладиган шахснинг бир тилининг иккинчи тилга кўрсатган ҳар қандай таъсири ва бу таъсирнинг натижаси интерференция дейилади. Одатда интерференция деганда, фақат назорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар тушунилади, онгли равишдаги ўзлашмалар унга тааллуқли бўлмайди.

Фонетик интерференция икки тилли шахс нутқида алоқадаги тилларнинг фонетик тизимидағи ўзаро таъсир ҳодисаси бўлиб, талаффуздаги аксентда намоён бўлади. Масалан, корейсларнинг ўзбекча нутқида <p> ва <l> ундошлигининг фарқланмаслиги (каравот → калавот, марта → малта), <z> ундошининг <ж> (Зухра → Жухра, зўр → жўр, зирак → жирак), <ф> ундошининг <п> деб талаффуз қилиниши (ҳафта → ҳапта, фасл → пасл) ёки русларнинг ўзбекча нутқида <k> нинг <к> (қиз → киз, қара → кара), <r> нинг <г> (тоғ → тог, оғримоқ → оғримоқ) деб талаффуз х.к.

Грамматик интерференция – икки тилли шахс нутқида она тили грамматик тузилишининг таъсири. Бу келишикларни қоришитириш (уйга боради → уйда боради), феъл замонларини номувофиқ қўллаш (ертага келди), сон+от+-лар қолипини қўллаш (икки кишилар) ва х.к.

Синтактик интерференция – икки тилли шахс нутқида она тили синтаксиси таъсирида синтактик қоидаларнинг бузилиши (Келди у бизникига кеча).

Лексик-семантик интерференция – алоқадаги тилларнинг лексик-семантик даражадаги ўзаро таъсири, сўздаги маънолар фарқлилиги

натижасида икки тилли шахс нутқида меъёрларнинг бузилиши; сўзларнинг боғланишидаги бузилиш; парофазия (нутқда бирон сўзни бошқа сўз ўрнида нотўғри қўллаш) ва х.к. Масалан, дугонам уйланди; оғайним турмушга чиқди.

Хуллас, интерференция индивидларга хос ҳодиса. Лекин оммавий икки тиллилик ҳолатларида бир турдаги интерференцион жараёнлар кўпчиликнинг нутқини тавсифлаши ҳам мумкин. Масалан, собиқ Шўролар даврида рус тили оммавий равишда турли тил эгаларининг нутқига таъсир кўрсатган.

Назорат учун саволлар

1. Э. Ҳолл маданиятларнинг монохрон ва полихрон моделларини қайси ўлчовга қўра ажратади?
2. Э. Хиршнинг маданий саводхонлик назариясининг асосий мақсади нималардан иборат?
3. Маданиятларнинг монохрон ва полихрон моделларини тушунтиринг.
4. Ҳокимиётнинг масофа даражаси юқори бўлган жамиятларда қайси ҳодиса меъёрий ҳисобланади?
5. Қайси мамлакатларда ҳокимиётнинг масофа даражаси паст бўлади?

4 Мавзу. Маданиятлараро мулоқотда муҳим аҳамият қасб этган маданиятга мослашиш

“Маданиятга мослашиш” тушунчаси илк бор XIX асрнинг охирида Америка антропологиясида Шимолий Америкалик ҳинду қабилаларидағи маданий ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ тадқиқот (Ф.Боас, У.Холмс, У.Мак-Жи, Р.Лоуи)да илмий муомалага киритилган. Ушбу тушунча дастлаб тор манода қўлланилган ва оқ танли америкаликлар маданияти билан алоқа бўлиш натижасида ҳиндулар қабиласида юз берган ассимиляция (бир хил бўлиш, ўзлаштириш) жараёнларини ифодалаган.

1930-йилларга келиб Америка антропологиясида мазкур терминнинг қўлланилиши мустаҳкамланиб, маданиятга мослашиш жараёнлари эмпирик тадқиқотлар ва назарий таҳлилларнинг асосий мавзуларидан бирига айланади. М.Ҳерсковитс, М.Мид, Р.Редфиелд, М.Хантер, Л.Спаер

ва Р.Линтон каби олимларнинг тадқиқотларида маданиятга мослашиш билан боғлиқ масалалар етакчи ўрин эгаллайди. Маданий антропологлар Р.Редфиелд, Р. Линтон ва М.Херсковитслар маданиятга мослашишни, даставвал, турли маданиятларни намоён этувчи гурухларнинг узоқ давом этган алоқалари натижаси сифатида изоҳлашди. Мазкур жараёнлар ўз-ўзидан юз беради ва бунда маданиятлар аралашуви маданий ҳамда этник бир хиллик ҳолатига эришади, деб ҳисобланди. Табиийки, ривожланган маданиятга нисбатан ривожланиши паст бўлган маданият кўпроқ ўзгаришга учрайди. Маданиятга мослашиш натижаси ўзаро муносабатдаги гурух азоларининг сонига боғланди. Айнан ана шу назария доирасида Америка “маданиятлар қозони” концепцияси вужудга келди. Мазкур концепцияга кўра, Америкага келган турли ҳалқларнинг маданиятлари бу “қозон”да қайнаб, аралашади ва натижада янги умумий Америка маданияти шаклланади.

1950-йилларгача маданиятга мослашиш Ғарб тамаддунинг таъсирида ананавий маданиятлар ўзгаришига оид тадқиқотлар билан чекланади. 1950-60-йиллардан бошлаб тадқиқотларнинг истиқболи сезиларли даражада кэнгаяди: Ғарбга оид бўлмаган маданиятларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, шунингдек, алоҳида маданий ҳудудларга хос бўлган испанлашиш, японлашиш, хитойлашиш ва ҳ.к. жараёнларга бағишлиланган тадқиқотлар (Ж.Фостер, Ж.Фелан ва б.)нинг сони ортади; маданиятга мослашишнинг тадқиқот методлари мураккаб жамиятлардаги урбанизация (шаҳарлаштириш) жараёнларини ўрганишга татбиқ этилади (Р.Билз). Илгари асосий этибор “хукмрон” маданиятнинг “тобе” маданиятга таъсирига қаратилган бўлса, эндиликда бунинг акси бўлган тасир тадқиқотларнинг долзарб масаласига айланди.

Маданиятга мослашиш масаласини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар, айниқса, XX асрнинг охирларида гуркираб ривожланди. Буни сўнгги йилларда дунё аҳолиси орасида тобора кэнг тарқалиб бораётган оммавий кўчишлар билан боғлаш мумкин. Айрим малумотларга кўра,

бугун дунёда 100 миллиондан ортиқ ахоли ўз мамлакатидан ташқарида яшайди".

Маданий алоқалар халқларнинг ўзаро мулоқотида муҳим аҳамият касб этади. Маданиятларнинг ўзаро тасирида улар бир-бирини тўлдириш билан бирга, мураккаб муносабатларга ҳам киришади. Ўзаро тасир жараёнида ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги намоён бўлади, ўзга маданиятнинг яхши, ижобий томонлари ўзлаштирилади. Мазкур маданият вакиллари ўзга маданият ўзлашмаларига боғлиқ бўлган ўзгаришларга мослашишга ва улардан ўз ҳаётларида фойдаланишга мажбур бўлишади.

Янги маданий шароитларга мослашиш зарурати билан муайян муддатга хорижга чиқкан ва ўзга маданият билан муносабатга киришган ишбилиармонлар, олимлар; чет элларда кўп йиллар яшаган талабалар; хорижий ширкат вакиллари; миссионерлар; давлат раҳбарлари, дипломатлар; бошқа давлатга доимий яшаш учун ихтиёрий ёки мажбурий равишда кўчиб келган муҳожирлар, қочоқлар ва ҳ.к. янги жамият ва маданиятга шунчаки мослашиши эмас, балки унинг тўлақонли азоси бўлиши лозим. Одатда бошқа мамлакатга кўчишга ва у ердаги ҳаёт шароитига руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаган қочоқларга нисбатан кўчишни ихтиёр қилган муҳожирлар бунга яхши тайёрланган бўлади. Бундай мураккаб жараён оқибатида киши кўпроқ ёки озроқ даражада янги маданий муҳитга мослашишга эришади. Буларнинг барчаси маданиятга мослашиш жараёни ҳисобланади. Сепарация – ўз маданиятининг хусусиятларини сақлагани ҳолда, ўзга маданиятни рад этиши. Бундай ҳолатларда ҳукмрон бўлмаган гурухларнинг вакиллари ҳукмрон маданиятдан у ёки бу даржада узоқроқ туришни мақул кўришади.

Маргинализация – бир тарафдан ўз маданияти хусусиятларини йўқотиши ва бошқа тарафдан кўпчилик, яни ўзга маданаят хусусиятларининг мавжуд эмаслигини англаатади. Бундай вазият ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолиш имконияти бўлмаган (одатда қандайдир

ташқи тасирлар сабабли) ва янги хусусиятларни ўзлаштиршга қизиқишининг йўклиги туфайли юзага чиқади.

Интеграция – ҳам эски, ҳам янги маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

Олимлар яқин кунларгача маданиятга мослашишнинг энг яхши стратегияси ҳоким маданият билан тўлиқ мослашадиган ассимиляция, деб ҳисоблашган. Ҳозирги кунда маданиятга мослашишнинг мақсади бимаданиятли ёки мултимаданиятли шахсни шакллантирувчи маданиятлар интеграциясига эришиш саналади.

Илгари интеграллашаётган гуруҳларнинг этник хусусиятларини сақлаши маданиятга мослашишнинг мураккаб жараёни сифатида баҳоланган бўлса, бугунги кунда у қийин жараёни юмшатадиган ижобий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Бу айниқса, қочоқ муҳожирлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Одатда ҳоким бўлмаган гуруҳ аъзолари маданиятга мослашиш стратегиясини танлашда эркин ҳисобланади. Бироқ ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Ҳоким маданият вакиллари уларни маданиятга мослашишнинг муайян шаклини танлашини чеклаши ёки мажбурлаши мумкин. Демак, ҳоким бўлмаган гуруҳларнинг танлови сепарация бўлиши мумкин. Бироқ сепарация мажбуруй характер касб этган бўлса, яъни ҳукмронлик қилаётган кўпчиликнинг камситиши натижасида юзага чиқкан бўлса, у сегрегацияга айланади. Агар ҳоким бўлмаган гуруҳ ассимиляцияни танлаган бўлса, бундай ҳолатда улар маданиятларни “эритадиган қозон” ғоясини қабул қилишга тайёр бўлади. Агарда уларни бунга мажбур қилишган бўлса, у ҳолда “қозон” “босим ўтказадиган исканж”га айланади. Жуда кам ҳолатларда озчилик гурухи маргинализацияни танлайди. Кўпинча ассимиляция сегрэгация билан бирга зўравонлик билан амалга оширилганда кишилар маргинал стратегияни танлашга мажбур бўлишади.

Интеграция озчилик томонидан ҳам, кўпчилик томонидан ҳам фақат

ихтиёрий равища бўлиши мумкин. Бинобарин, мазкур гуруҳларнинг бир-бирига мослашувини, ҳар қайси гуруҳ хуқуқларини ўзаро тан олинишини ва фарқли маданиятга эга бўлган турли халқлар манфаатини кўзда тутади.

Маданий мослашиш натижалари. Маданий мослашишнинг муҳим натижаси ва мақсади ўзга маданият ҳаётига узоқ муддатли мослашиш ҳисобланади. У ўраб олган муҳит талабларига жавоб берадиган индивидлар ёки гуруҳлар онгидаги барқарор ўзгаришлар билан характерланади.

Маданиятга мослашиш коммуникация сифатида. Маданиятга мослашишнинг асосида коммуникатив жараён ётади. Худди шунга ўхшашиб маҳаллий аҳоли ҳам бир-бири билан ўзаро муносабатлар орқали ўзининг маданий хусусиятларини эгаллаб боради, ўз навбатида бошқа жойдан келганлар ҳам янги маданий шароитлар билан танишади ва мулоқот орқали янги малакаларга эга бўлишади. Шунинг учун маданиятга мослашиш жараёнига янги маданиятда коммуникатив қобилияtlарни эгаллаш сифатида қараш мумкин. Кишилар мунтазам мулоқот орқали янги шароит учун керакли бўлган нарсаларни ўзлаштириб борадилар.

Мулоқот кишининг ўраб олган атроф-муҳит билан ўзаро муносабати кўрсатади. Зеро, бу жараёнда фаол қатнашишга интилаётган ҳар бир индивидга ўзига хос очик тизим сифатида қараш мумкин. Мазкур ўзаро муносабатлар бир-бири билан чамбарчас боғланган икки жараён – шахсий ва ижтимоий мулоқотдан таркиб топади. Бу мулоқот чоғида хабарларни қабул қилиш, қайта ишлашнинг юз бериши, инсонни ўраб олган обектлар ва кишиларга қаратилган ҳаракатларининг амалга ошиши билан боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда шахс қабул қилинган хабардан фойдаланган ҳолда, уни ўраб олган муҳитга мослашади

Назорат учун саволлар

1. Индивидуализм қандай маданиятларда намоён бўлади?
2. Коллективизм устувор бўлган маданиятлар учун мима муҳим саналади?
3. Эркаклик нисбати юқори бўлган жамиятда нималар устувор қадриятлар ҳисобланади?
4. Аёллик нисбати юқори бўлган жамиятда нималар устувор қадриятлар ҳисобланади?
5. Маданиятга мослашишнинг асосида қандай жараён ётади?

5 Мавзу. Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шок ҳодисалар

Маданиятлараро алоқалар ҳамкорларнинг дунёқараси, одоб-ахлоқ меъёрлари, қадриятлари ва ҳ.к.нинг мос келмаслиги каби кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Турли маданият вакиллари билан мулоқот жараёнида юзага чиқадиган ва ўзаро муносабатлар самарадорлигини пасайтирадиган қийинчиликлар ва мураккабликлар тўсиқлар, деб номланади. Маданиятлараро ўзаро муносабатлар жараёнида юзага чиқадиган коммуникатив тўсиқларни анъанавий тарзда қуидаги турларга ажратилади:

Маданиятлараро мулоқотдаги лисоний тўсиқлар. Турли маданият вакиллари ижтимоий борлиқни тил конструкциялари, коммуникациянинг оғзаки ва ёзма шаклларида ўз аксини топган рамзий тизимлар воситасида қабул қилишнинг турфа моделларидан фойдаланадилар.

Маданиятлараро мулоқот муҳитида лисоний салоҳият ҳамкорлар орасида алоқа воситаси сифатида фойдаланиладиган тил қоидаларининг мавхум тизими сифатида намоён бўлади. Лисоний салоҳият мулоқот жараёнидаги зарурий шартлардан бири ҳисбланишига қарамай, у ўзаро таъсир самарадорлиги учун етарли бўлмайди. Бинобарин, ҳамкорлар коммуникатив салоҳиятга эга бўлиши – аниқ ижтимоий вазиятларда

қўлланиладиган қоидаларни билиши, шунингдек, когнитив салоҳиятга – мулоқот тилида сўз ясаш ва фикрларни жамлаш (нутқ ҳосил қилиш) малакасига ҳам эга бўлиши лозим. Турли маданият соҳиблари билан мулоқот чоғида кўпинча лисоний характердаги муаммолар биринчи планга чиқади.

Стефания исмли талаба Испанияда ўқиятгон пайтда юз берган вазиятни тасвирлаб беради. У мезбон оиласдаги опалари билан бирга ёпиқ ҳовузга боради. Аризонадан келган Стефания бундай совуқ сувда чўмилишга одатланмаган эди. Шунинг учун у қуёшда тобланиш учун ташқарига чиқади. Унинг “опалари” ундан нэга улар билан чўмилмаганини сўрашади. Стефания шундай тушунтиради:

Кишилар тилни яхши билмаган ҳолатларда уларнинг тўқнашувлари бартараф этиши жуда қийин кечади. Бундай вазиятларда сукут ҳам яхши натижа бериши мумкин. .

Новербал мулоқотдаги тўсиқлар. Маданиятлараро мулоқот жараёнида новербал муомала муҳим ўрин тутади. Биқор мазкур мулоқотда қўлланилган рамзлар ўзаро алоқа иштирокчилари учун турли маъно касб этиши мумкин. Бундай номувофиқлик ўзаро алоқа самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, аксарият маданият вакиллари бирорни چқириш учун қўлини олдинга узатиб, кафтини юқорига қаратиб тўртта бармоқ ёки кўрсаткич бармоқ билан “бу ерга кел” деб ишора қиладилар. Узок Шарқ маданияти мазкур қўл ҳаракати итларни чақириш учун қўлланилади. Кишиларга нисбатан эса қўлини олдинга узатиб, кафтини пастга қаратиб тўртта бармоқни силкитиш ҳаракатидан фойдаланилади.

Турфа маданият вакилларининг новербал муомаласидаги сезиларли даражадаги фарқлар маданиятлараро ўзаро муносабатларда хар доим ҳам жиддий тўсиқ сифатида қабул қилинмайди. Кўпинча номувофиқлик, дастлаб кишиларнинг ажабланиши ва безовталанишига сабаб бўлади, уларга ғайриоддий ва ғалати бўлиб туюлади. Бироқ маълум вақтдан сўнг

ноодатий вазиятга кўниклидади ва ҳамкордан ўзлаштирилган рамзлардан фойдаланишга киришилади.

Стереотиплар маданиятлараро мулоқотдаги тўсиқ сифатида. Турли маданият вакилларининг ўзига хос миллий ва этник тафаккури кўпинча маданиятлараро ўзаро муносабатларда тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу ўринда онгнинг қуидаги жиҳатлари алоҳида қизиқишни юзага чиқаради:

- этноцентризмга бўлган мойиллик – ўзга маданият соҳибини ўз маданияти стандартларидан келиб чиқсан ҳолда салбий баҳолаш;
- ўз маданияти ва бошқа маданият вакилларининг этник онгидағи юзаки образларнинг шаклланиши, яъни стереотиплашиши;
- маданиятлараро алоқалар жараёнига ёлғон тасавурлар, шу жумладан, ўтмишдаги салбий тажрибаларни ва ҳ.к. дахлдор қилиш.

Мазкур ҳодисалар маданиятлараро ўзаро муносабатлар жараёнининг ҳамкорлар шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган дастлабки босқичларда кучли тўсиқлар сифатида кўзга ташланди.

Қадрият фарқлари маданиятлараро мулоқотдаги тўсиқ сифатида. Маданиятлараро ўзаро алоқалар қатнашчиларининг қадриятларга бўлган турли муносабатлари қадриятлар тизимидағи фарқларга боғлиқ бўлиб, у ўзаро мулоқот самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Турли маданият вакиллари томонидан қўлланиладиган когнитив тузилмалардаги фарқлар ўзаро мулоқот самарадорлигини пасайтирувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. Дунёни қабул қилиш моделларидағи энг катта фарқлар ўзга дунёқараш ва тасаввурлар билан тўқнашганда юзага чиқади.

Ҳозирги кунда маданиятлараро тўқнашувларни тушуниш ҳар қачонгидан ҳам долзарблиқ касб этади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тўқнашувлар муқаррар ва улардан қочишининг имкони йўқ. Тўқнашувлар дунёning ҳамма жойида, ҳар доим ва турли даражаларда юз беради.

Тўқнашувларнинг юзага келиши турли сабаблар билан изоҳланади. Хусусан, “кишилар орасидаги душманлик ва нотўғри тушунчага эга бўлиш

инсоннинг табиати ва қонида бўлган азалий хусусият”, деган қарашлар ҳам мавжуд. Тадқиқотлар ушбу гипотезани рад этади ва хорижликларга душманлик ҳам, бирон бир ҳалқа қарши бўлган нотўғри тушунча ҳам барчага тааллуқли эмаслигини исботлайди. Тўқнашувлар ижтимоий характер сабаблари таъсирида юзага чиқади. Мазкур хулоса ҳалқаро характерга эга бўлган тўқнашувларга ҳам тааллуқлидир.

Маданиятлараро тўқнашувлар (умуман тўқнашувлар) юзага келиш сабабларининг қўлами ниҳоятда кэнг: тўқнашув асосида нафақат тил билимининг етарли эмаслиги ҳамда сухбатдошини тушунмаслик, балки коммуникация қатнашчиларининг ўзи ҳам аниқ англаб етмаган чуқурроқ сабаблар ётади.

Тўқнашувларга коммуникация жараёнининг фақат бузилиш, салбий томони сифатида қараш мумкин эмас. Бинобарин, улар ўзига хос ижобий томонга эга бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Ижобий тўқнашув назариясига қўра, тўқнашувлар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида тушунилади ва уларнинг, албатта, бузғунчи характер касб этиши шарт эмас. Тўқнашувлар шахслараро, ижтимоий, миллий ҳамда ҳалқаро миқёсда бўлиши мумкин. Шахслараро тўқнашувлар дўстлар ёки севишганлар, оила аъзолари ёки ҳамкаслар ўртасидаги ўзаро муносабатларида юз бериши мумкин. Масалан, кимдир яқин дўстига нисбатан бўлган романтик севгисига севги билан жавоб ололмаяпти. Бу ҳолатда томонларнинг хис-туйғуларидағи фарқ, номутаносиблик тўқнашувга сабаб бўлади. Шахслараро тўқнашувларга ўжарлик, қайсаарлик, шахсий эҳтиёжлар, мослашишга тайёргарлик даражасининг паст бўлиши, ғазабланиш, гапга кўнмаслик, мансабпарастлик, кучли ишончсизлик ва ҳ.к. сабаб бўлиши мумкин. Тўқнашувларнинг мазкур сабаблари шахсларнинг ўзига хос феъл-атворига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий тўқнашувларга кучли рақобат, қобилиятларни етарли даражада тан олинмаслиги, муросасозликнинг этишмаслиги, мақсадларнинг зидлиги ва ўзаро манфаатларнинг мос келмаслиги сабаб

бўлиши мумкин. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш саноатни ривожлантиришга нисбатан муҳимроқ деган қарашлардаги маданий фарқлар атроф-муҳитни муҳофаза қилувчилар билан бизнес манфаатдорлари орасидаги низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўқнашувларнинг биринчи навбатда бир-бирига ўзаро боғлиқ алоқада бўлган кишилар ўртасида юзага келади. Мазкур муносабатлар қанчалик яқин бўлса, тўқнашувларнинг юзага чиқиш эҳтимоли шунчалик муқаррар бўлади. Зеро, бошқа киши билан алоқа даражасининг яқинлиги у билан боғлиқ муносабатларда тўқнашувли вазиятларнинг содир бўлиш имкониятини юксалтиради. Бу ҳам расмий, ҳам норасмий муносабатларга тегишлидир.

Халқаро миқёсдаги тўқнашувларга нафақат маданий фарқлар, балки ҳокимият ёки мақом, ижтимоий табақаланиш масалалари ҳамда авлодлар орасидаги тўқнашувлар сабаб бўлиши мумкин.

Халқаро миқёсдаги тўқнашувларга мисол тариқасида Нигериядаги мусулмонлар ва насронийлар ўртасида муунтазам давом этаётган курашни келтириш мумкин. 2004-йилнинг феврал тонггида Элва шаҳарчасидаги черковда ибодат қилаётган 70га яқин киши қўшни масjidнинг радиокарнайидан “Оллоҳу Акбар, ҳамма жиҳодга!” деган даъватни ва ўқ овозларини эшитади. Ибодат қилаётганлар дарҳол ташқарига қочиб чиқишади ва ҳарбий кийимдаги кишиларни кўрадилар. Ҳарбий кийимдаги кишилар ибодат қилаётганларга ҳеч қандай хавфхатар таҳдид солмаётганини айтиб, уларни черковга қайтариб киритиб юборишади. Кейин ҳарбий кийимдаги кишилар (хукумат ҳарбийлари бўлмаган) черковни ўқقا тутишади ва қочишга уринганларнинг барчасини ўлдиришади.

Умуман, маданиятлараро тўқнашувларни тушуниш маданият ва тўқнашувнинг ўзаро алоқада бўлгани учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яъни маданий фарқлар тўқнашувларни келтириб чиқарар экан, кишилар бу тўқнашувларни бартараф этиш йўлларини билишлари лозим.

Назорат учун саволлар

1. Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар қандай юзага келади?
2. Тўқнашувларнинг юзага келишини сабабларини кўрсатинг.
3. Қадрият фарқлари маданиятлараро мулоқотдаги тўсиқ сифатида.
4. Халқаро миқёсдаги тўқнашувларга мисол келтиринг.
5. Новербал мулоқотдаги тўсиқлар

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидаги амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари :

- 1 *Иши босқичлари*
- 2 *Фаолият шакли ва мазмуни*

1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш

- - якка тартибдаги аудио-визуал иш;
- - кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки мэдия шаклда);
- - ахборотни умумлаштириш;
- - ахборот таҳлили;
- - муаммоларни аниқлаш

2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш

- - индивидуал ва групда ишлаш;
- - муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;
- - асосий муаммоли вазиятни белгилаш

2- Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши

- индивидуал ва гурухда ишлаш;
- муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва
- тўсиқларни таҳлил қилиш;
- муқобил ечимларни танлаш

4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.

- якка ва гурухда ишлаш;
- муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;
- ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;
- якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

1-кейс

| Муаммо (асосий ва кичик муаммолар) | Ечим | Натижа |
|-------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Маданиятлараро тўсиқлар ва тўқнашувлар, маданий ва лисоний шоҳходисалар | <p>Мавзуларни таҳлил методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, сўз ва матн таҳлилиниң статистик, инференция методи, матн таҳлилиниң статистик методлари) билиш ва уларни ўкув жараёнида қўллаш;</p> <p>Маданий концептлар, лингвокультуре маънонинг маданият билан боғлик бўлаги, маданий муҳим ахборот,</p> <p>лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик холат, миллий дунё тасвири ҳақидаги <i>билимларга</i> эга бўлиши лозим</p> | <p>Мулоқотнинг перцептив жиҳати мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишdir, яъни мулоқотнинг ушбу жиҳатида бир кишининг иккинчи киши томонидан идрок қилиниши, тушунилиши, баҳоланиши кузатилади.</p> <p>Мулоқотнинг мазкур жиҳатида идрок қилинаётган одамни идрок қилувчи ўзининг шахсий хислатлари билан қиёслаш натижасида англайди ва тушунади</p> |

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

2-Кейс.

| Муаммо (асосий ва кичик муаммолар) | Ечим | Натижа |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Маданиятлараро мuloқot назариясининг юзага келиши: сабаб ва омилларини ўрганиш, юқори ва қуий контекстли маданиятларни ажрата билиш; | <p>1. Тил, маданият ва коммуникация: ўзаро муносабат масалаларини ёритиб бериш;</p> <p>2. Маданий караҳтлик ва адаптация масаласи ҳамда тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш;</p> <p>3. Маданиятлараро алоқада маданий тушунчаларнинг қисман кесишиши ва ажралиб чиқиши. Лакунар тушунчалари.</p> <p>Камчиликлари</p> | <p>Инновацион таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:</p> <p>1. Болаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг ошиши</p> <p>2. Тарбияланувчилар ўқитувчи билан бевосита мuloқotга кириши, ҳамкорлик юзага келиши;</p> <p>3. Ўқитувчининг назорати барча болалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтириши</p> |

| | | |
|--|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | <p>2. Машғулотнинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги</p> <p>3. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада тэнг бўлмаганлиги сабабли гурухда ўзлаштириш паст бўлиши мумкин</p> <p>4. Мустақил фикрлай оладиган тарбияланувчиларнинг шаклланиши сусаяди</p> <p>5. Тасаввурларнинг ўзгармасдан қолиши</p> | <p>4. Ўқитувчи ва бола вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиши</p> <p>5. Янги мавзунинг хажмда ўрганилиши ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши</p> <p>6. Ахборотнинг тез-тез янгиланиб туриши</p> <p>7. Тарбияланувчиларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имкони мавжудлиги</p> |
|--|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

3-Кейс.

| Муаммо (асосий ва кичик муаммолар) | Ечим | Натижа |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Хитой тилини ўқитиша турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар, тил ва маданиятнинг ўзаро маданий тузилмаларнинг ўзаро | <p>1.Инсон онгида акс этган дунёниг тилда ифодаланиши ва</p> <p>Хитой дунёси лисоний манзарасини аниқлаш, тилнинг шахс</p> | <p>1. Ўзаро таъсир қилувчи лингвокултураларнинг "мос келадиган" тушунчалари / тушунчалари соҳаларига эҳтиёж.</p> |

| | | |
|---------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;</p> | <p>шаклланишига таъсири масалаларини кэнг муҳокама қила олиш.</p> <p>2. Мулоқотга ёрдам берувчи омиллар ва тўсиқларни ўрганиш ва таҳлил қила олиш;</p> | <p>2. Чет тил ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшунослиқда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.</p> |
|---------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

VI. ГЛОССАРИЙ

АССИМИЛЯЦИЯ – маданиятга мослашишнинг варианти бўлиб, бунда киши ўз маданиятининг қадрият ва меъёрларидан воз кечиб, ўзга маданиятнинг қадрият ва меъёрларини тўлалигича қабул қиласди.

АУДИТОРИЯ – ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлашига кўра ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг психофизиологик хусусиятлари жиҳатидан фарқланиш.

БИХЕВИОРИЗМ (ингл. беҳавиор – феъл-атвор) назарияси XX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келди. Мазкур назарияга кўра, психологиянинг предмети тафаккур эмас, балки инсоннинг феъл-атворидир. Чунки, бихевиористларнинг наздида тафаккурни бевосита кузатиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бихевиоризм психикага кишининг ҳаёти ва фаолияти контекстини киритади ва уни ташки таъсирлар ҳамда организмнинг физиологик хусусиятлари билан боғлайди. Бихевиоризм нуқтайи назарича, маҳлуққа (бу одам ёки жонивор бўлиши мумкин ва ҳ.к.) таъсир қиладиган қандайдир стимул (C) ва ушбу стимулга қандайдир реакция (P) бор (C -> P).

ДИСКУРС – (француз тилидан “диссоурс”) матннинг оғзаки сўзлашув шакли, диалог, бир-бирига маъно жиҳатидан боғланган мулоҳазалар йиғиндиси, нутқий асар. Дискурс шахснинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари, тафаккур малакаси каби руҳийидрокий хусусиятлар билан узвий алоқадор бўлади. Шу билан бирга, шахснинг муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги, ижтимоий мавқейи, саводхонлик, тафаккур, маданият даражаси ва ҳ.к. дискурснинг тузилишига катта таъсир кўрсатади.

ЭТНИК ГУРУҲЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ – турли халқ (этник гуруҳлар) вакиллари ўртасидаги мулоқот. Кўпинча жамият ўзининг фарқли субмаданиятини яратадиган сон жиҳатидан турлича бўлган этник гуруҳлардан таркиб топади. Этник гуруҳлар ўз субмаданиятларини

авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдиради. Бу эса мазкур субмаданиятнинг ҳукмрон маданият ичида ўзлигини сақлаб қолишини таъминлайди.

ЭВФЕМИЗМ (юн. – “яхши” ва “нутқ”, “сўзлашув”дан келиб чиқсан бўлиб, сўзма-сўз таржима қилганда “яхши аломатли сўз” маъносини ифодалайди. Эвфемизм – нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; қўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида қўпол бўтмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, иккиқат, бўғоз сўzlари ўрнида ҳомиладор, оғир оёқли сўзларини қўллаш. Ёки чаён сўзи табуга учраган, қўлланиши маън қилинган бўлиб, унинг маъноси эшак сўзида ифода топган.

ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ – шахс ва коммуникацияни ўрганишдаги назариялардан бири. Бу йўндашувга кўра, шахсни бир томондан ўзлик, иккинчи томондан жамоа аъзолиги яратади. Ўзлик бир қанча шахслардан таркиб топади ва бу шахслар тушунчаси маданият билан боғлиқ бўлади. Халқнинг маданиятини турли методлар ёрдамида тасвирлаш мумкин. Шунингдек, маданиятдаги ҳар қандай ўзгаришни ҳам тасвирлаш ва ўлчаш мумкин. Маданият инсоннинг феъл-атвори ва муомаласини белгилайди. Шунинг учун уларни ҳам тасвирлаш ва олдиндан айтиш мумкин бўлади.

ГЕНДЕР – социо-маданий категория бўлиб, жинслар ролини анъанавий ўрганишни назарда тутмайди. Гендер – ижтимоий ва психологик жараёнларнинг йирик 119 мажмуйи, шунингдек, жамиятда вужудга келадиган ва миллий лисоний шахснинг ахлоқига таъсир кўрсатадиган маданий кўрсатмалар, қоидалардир.

ГЕНДЕР ХУСУСИЯТ – маскулинизм ва феминизм маданий тушунчалари ҳамда аёллик ёки эркакликнинг ўзига хос хусусиятлари.

ГУРУХЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ – муайян гурух ичидаги ёки гурухлараро мулокот. Шунингдек, “мулоқотчи ва гурух” кўринишида, масалан, сиёsat арбоби билан сухбат бўлиши мумкин.

ҲОКИМИЯТ МАСОФАСИ – маданият ўлчовларидан бири. Бу ўлчовга кўра, жамиятлар ҳокимият масофа даражаси юқори ва ҳокимият масофа даражаси паст турларга ажратилади. Ҳокимият масофа даражаси юқори бўлган жамиятларда иерархия (пофона) меъёрий ҳодиса ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси жамиятда, оиласда ва касбий фаолиятда маълум мавқэга эга бўлади. Ҳокимият масофа даражаси паст бўлган мамлакатлар сифатида Англия, АҚШ ва Скандинавия давлатларини кўрсатиш мумкин. Япония, Корея, жумладан, Ўзбекистон ҳам хизмат иерархияси ва катта ёшлиларнинг обрўси юқори кўрсаткич ҳисобланадиган давлатлар қаторига киради.

ҲУДУДИЙ ХАРАКТЕР – шахснинг муайян географик худудга хос бўлган хусусиятлари. Дунёнинг турли ҳудудларида алоҳида, ўзига хос муҳим маданий хусусиятлар мавжуд. Шимолий Шотландиядаги тоғлик худуди Шотландиянинг пасттекисликларидан мутлақо фарқ қиласди ва тоғликлар жуда кучли ҳудудий ҳарактери билан ажралиб туради. Ҳудудий ҳарактер кундалик-маданий турмушдаги бир-биридан фарқ қиласдиган миллий таомлар, кийим-кечаклар, хулқ-атвор ва тилнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

ҲУДУДЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ – турли вилоятларда яшовчилар орасида юзага келади. Бинобарин, муайян вазиятда турли вилоят вакиларининг феъл-атворидаги фарқлар кўзга ташланади. Масалан, тошкентликлар ва водийликлар мулоқот чоғида ўзига хос қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Жумладан, Тошкентда ўзидан кичикларни сенсираб гапириш (бу тошкентликлар учун самимилик белгиси, водийликлар учун қўполлик белгисини ифодалайди), водийнинг аксарият ҳудудларида ўзидан кичикларни сизлаб гапириш одатий ҳол саналади.

ИЖТИМОЙ-КОММУНИКАТИВ ТИЗИМ – муайян лисоний ҳамжамиятда қўлланиладиган, функционал жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро алоқада бўлган кодлар ёки субкодлар мажмуйи.

ИНТЕГРАЦИЯ – ҳам эски, ҳам янги маданиятларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ – кэнг маънода икки тиллилик шароитида тил системаларининг ўзаро таъсирини; икки тилли шахслар нутқида у ёки бу тил меъёрининг бузилишини ифодалайди. Тор маънода икки тилли шахснинг оғзаки ва ёзма нутқида она тили таъсирида иккинчи тил меъёрларининг бузилишини англатади. Умуман, икки тилни биладиган шахснинг бир тилининг иккинчи тилга қўрсатган ҳар қандай таъсири ва бу таъсирининг натижаси интерференция дейилади.

ИЗОХЛОВЧИ ЁНДАШУВ – шахснинг динамик табиати, унинг бошқа кишилар билан хабар алмашиши, муҳокама қилиши, мулоқот қилиши орқали шаклланишига асосланади. Бу кишининг ўз шахси ҳақидаги тасаввурларининг оддий эмаслигини билдиради. Изоҳловчи ёндашувнинг мақсади инсон феъл-атворини олдиндан айтиб бериш эмас, балки уни тушуниш ва тасвирлашдан иборат. Тушуниш – индивидларнинг ўзларини тавсифлаш жараёни бўлса, тасвирлаш – бошқалар томонидан шахсга бериладиган тавсиф жараёнидир.

ЖАМОАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ – шахслараро мулоқот тури, унда маъruzачи, жамоат арбоби билан аудитория иштирок этади.

ЖЕСТЛАР – коммуникация жараёнида инсон нутқининг тана, қўл ёки бармоқларнинг ҳаракатлари билан бирга кечадиган ва кишининг бевосита сухбатдошига қаратилган, қандайдир ҳодисага, қандайдир шахсга, қандайдир нарсага бўлган муносабатини ифодалайдиган турли ҳаракатларидир. Кишиларнинг бирон ҳодиса ёки ҳолатни тушунтириш мақсадида ишлатадиган қўл ҳаракатлари турли маданиятларда турлича маъно касб этади. Бунинг сабаби маданиятлараро рамзлар ва тушунчаларнинг фарқланишидадир.

КОД – мулоқот воситаси бўлиб, у табиий тиллар (ўзбек, рус, инглиз ва ҳ.к.) ҳамда сунъий тиллар: эсперанто ёки замонавий машина тиллари, морзе алифбоси, турли сигналлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Тилшуносликда код деганда лисоний шакллар: тил, худудий ёки ижтимоий диалект, шаҳар койнеси тушунилади.

КОДЛАР АРАЛАШУВИ (ёки бир код тасарруфидан иккинчи код тасарруфига ўтиш) – нутқий мулоқот чоғида сўзловчининг коммуникация шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бир тилдан (ёки тил вариантларидан, диалектдан, услубдан) бошқа бир тил кўринишига ўтиши.

КОММУНИКАТИВ ВАЗИЯТ – икки ёки ундан ортиқ кишилар нутқий мулоқотининг вазияти.

КОММУНИКАЦИЯ – (лот. коммуникатион, коммуник “умумий”) – хабарни узатиш, фикр ва маълумотлар алмашинуви, яъни мулоқот қилишдир. Коммуникация – мулоқот акти, икки ёки ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро ҳамфикрликка асосланган алоқа. Коммуникация – кишиларнинг бир-бири билан алоқа ўрнатиш ва хиссиётларини тушуниш воситаси. Коммуникация – тафаккурдаги рамзлар, уларни замон ва маконда узатилишини ўз ичига олган механизм бўлиб, у инсон муносабатларини таъминланлашга ва ривожлантиришга хизмат қиласи.

КОММУНИКАЦИЯ МАНБАСИ – ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ахборотни кэнг тарқатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар: оммавий коммуникация соҳасини қўллаб-қувватлашга жавобгар институтлар; бу соҳани техник таъминотига жавобгар институтлар (давлат қўмиталари, давлат ва хусусий телерадиокомпаниялар, оммавий матбуот агентлиги, нашриётлар ва х.к.).

КОНЦЕПТ – лотин тилидаги концептус «тушунча» сўзининг калкасидир. Рус тилшунослигига концепт тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С. Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. Ушбу термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг изоҳи тушунча терминига нисбатан кэнгайганини кўриш мумкин. Концепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир 121

томондан, маданият концепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон концепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ (лот. лингуа “тил”; султус “хурмат қилиш, таъзим қилиш”; юон. “илм, фан”) – маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳаси. Лингвокултурология маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Лингвокултурология тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келган. Лингвокултурология этнолингвистика, сотсиолингвистика лингвомамлакатшунослик ва этнопсихолингвистика билан чамбарчас алоқададир. Лингвокультурологиянинг **обекти** – маданият ва тилнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсирини бир бутунликда тадқиқ қилишdir. Лингвокультурологиянинг **предмети** – маданиятда рамзий, образли, метафорик маъно касб этган ва натижалари инсон онгидаги умумлаштирилиб миф, афсона, фольклор ва диний дискурсларда, поэтик ва прозаик бадиий матнларда, фразеологизмларда, метафораларда ва рамзларда акс этадиган тил бирликлари саналади.

ЛИСОНИЙ ШАХС – обектив воқеликни ўз кўришига мувофиқ тасвиrlаш ва маълум мақсадга эришиш учун муайян тилнинг тизимили воситаларидан фойдаланган ҳолда уларни матнларда акс эттириши нуқтайи назаридан тавсифланган у ёки бу тил соҳибидир. Лисоний шахс – муайян билимлар ва тасаввурлар мажмуйига эга бўлган нутқий фаолиятни намоён қилувчи шахсdir.

ЛИНГВИСТИК ШОК – она тили учун кулгили, ғалати ва одобдан ташқари ҳисобланган лисоний бирликлар қўлланилган хорижий нутқни эшитган инсоннинг ҳайратланиши, кулиши ёки хижолат бўлишидир.

МАДАНИЯТ – муайян халқقا хос бўлган борлиқдаги ҳаёт ва фаолият, шунингдек, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат (урф-одатлар, расм-

русумлар, мулоқот хусусиятлари) ва дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари. “Маданият” тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадиий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода “маданият” термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. Маданият – меъёрлар, қадриятлар, идеаллар, намуналарнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари тизимиға асосланган субъектлар фаолиятининг барча шакллари мажмуйи, у бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқада яшайдиган жамоанинг мерос қилиб олган хотираси.

МАДАНИЯТГА МОСЛАШИШ – маданиятларнинг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, у бирон бир халқ ёки бирон бир халқ вакили томонидан бошқа халқ маданиятининг тўлиқ ёки қисман қабул қилинишини ифодалайди. Маданий мослашиш бошланғич, кўникиш, мослашув, осойишталик, уйга кэтиш арафасидаги мослашув ва сўнгги босқичларга ажralади. **МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ** – турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон муюқот) назарда 122 тутилади. Баъзан маданиятлараро мулоқот “маданиятлар кесишуви” (“кросскултурал)ни ҳам ифодалайди. Маданиятлараро мулоқот – муайян маданият ва тил соҳибларининг ўзга маданият ва тил вакиллари билан вербал (нутқли) ва новербал (нутқсиз) мулоқот воситасидаги ўзаро алоқа жараёнидир. Бундай мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг шахсий қоидалари тизимиға эга бўлади. **МАДАНИЯТ ТИЛИ** – мавжуд бўлган ёки қайтадан ҳосил бўлган тасаввурлар, тушунчалар, образлар ва бошқа маъновий конструкциялар тузилишининг белгилар ва уларнинг муносабатлари тизими воситасида шаклланиши. **МАДАНИЙ САВОДХОНЛИК** – “жамоавий ҳамкорлик руҳи” ни яратиш бўлиб, у бизни дунёни билиш

ҳамда мулукотнинг стандарт воситасига эгалик қилишимизга ва шу тариқа замон ва маконга кўра ёзма ва оғзаки мураккаб ахборотларни қабул қилиш ва узатишимиизга имкон беради. Бироқ маданий саводхонлик фақат маданий ўзига хос ахборотгина бўлиб қолмай, балки борлик ҳақидаги яхлит ахборот ҳамдир. Маданий саводхонлик – жорий маданий ахборотни доимий тўлдириб боришни талаб қиладиган маданиятларо қобилиятнинг динамик компонентидир.

МАДАНИЙ ШОК – маданиятларо тўқнашувларнинг қўринишларидан бири бўлиб, у хорижий тилни ўрганувчининг ажабланиш, ҳайрон бўлиш ёки тили ўрганилаётган маданият омилларининг қабул қиласлик ҳолатини ифодалайди. Маданий шок тил ўрганувчининг маданиятга нотўлиқ мослашуви ёки у учун янги бўлган маданият меъёрларини билмаслиги, тушунмаслигиdir.

МЕНТАЛИТЕТ (нем. менталитет < лот. mens, ментис – ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет – халқ менталлигини, унинг ақлий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференсиатсиясини акс эттирадиган категория. Менталитетлар турли масштаблардаги лингвомаданий жамоаларнинг психолингво-интеллектларини намоён қиласди. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-руслари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

МЕТАФОРА (юн. метапора - кўчириш) – ҳосила маъно юзага келиши, у бирон предмет номини бошқа предметга ўхшашлигини эътиборга олиб кўчиришдир. Метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли. Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга, қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир. Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, унинг универсаллиги маконда ва замонда, тил структурасида ҳамда унинг

вазифаларида намоён бўлади. Метафора ўзида фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради.

МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР – у ёки бу миллат вакилига оид бўлган ўзига хос жисмоний ва маънавий хусусиятлар мажмуйи, хулқ-атвор ва фаолият меъёридир. 123 Миллий характер халқнинг дини, сиёсати, урф-одатлари, ижтимоий қатлами, турмуш тарзи, тарихи ва ҳатто географик ўрни билан ҳам чамбарчас боғлик.

МОНОХРОН МОДЕЛ – маданиятлар типологиясининг вақтга бўлган ўлчовларидан бири. Унда вақт инсон учун кесимларга ажralган йўл сифатида образли гавдаланади. Вақтнинг бундай қисмларга бўлининши туфайли ушбу маданиятдаги инсон вақтни муайян даржада бошқариш мумкин деб ўйлайди: у фақат бир иш билан шуғулланади, шунингдек, вақтни иш учун ва ҳиссий алоқалар учун тақсимлайди. Монохрон маданиятларда 10-15 дақиқага кеч қолиш мумкин, бироқ бундай ҳолатларда кечирим сўраш керак бўлади.

НОВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ – новербал воситалар ёрдамида амалга ошириладиган мулоқот. Новербал воситалар деганда жестлар (тана, қўл ҳаракатлари), имо-ишоралар (мимика), тегиш (қўл тегизиш, қучоқлаш, силаш, ўпиш ва ҳ.к.), тана ҳолати, кишилар орасидаги масофа кабилар тушунилади. Новербал (сўзсиз, нутқсиз) коммуникация мулоқот қилаётган индивидларнинг бирбирига ўзаро таъсири ва эмотсионал ҳолати ҳақида сигнал берувчи мулоқот шаклидир. Новербал коммуникация кишилар ўртасидаги новербал хабарлар алмашинуви ва уларнинг талқинини билдиради. Ҳар бир маданият борлиқни ўзига хос белгилар ва рамзлар ёрдамида акс эттиргани учун ҳам новербал мулоқот юзага чиқади. **НУТҚ ЭТИКЕТИ** – инсонларнинг расмий ва норасмий вазиятлардаги ўзаро мулоқотида уларнинг ижтимоий ва маданий ўзига хос нутқий муомала қоидалари. Нутқ этикети – бу “ижтимоий силлиқланган” худуд, мулоқотнинг миллий-маданий компоненти.

НУТҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР – коммуникатив вазият иштирокчилари, яъни сўзловчи ёки тингловчининг нутқи ёки нутқий реаксиясини кўрсатувчи ўзига хос хусусиятлар.

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ – матбуот, радио, телевидение каналлари воситасида амалга оширилади. Унда юборувчи бир коммуникант ҳамда олувчи омма бўлади.

РАМЗ – ташқи дунёning турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Агарда оддий белги инсонга 124 маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз инсоннинг англаб бўлмайдиган ботиний томонига мурожаат қиласи. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян обектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қиласи. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА – тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳаси. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуйи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқейи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, социолингвистика тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир.

СТЕРЕОТИП – муайян гурух ёки жамоанинг соддалашган, схемалашган, эмотсионал бўёқдор ва фавқулодда барқарор бўлган образи, турли маданият вакилларининг тили ва тафаккурининг ўзига хослиги. Ҳар қандай шахс муайян маданиятлар билан боғланган стереотиплар оламида яшайди. Стереотиплар ижтимоий стереотиплар, мулокот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. га ажратилади. Масалан, ижтимоий стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини қўрсатади. Этномаданий стереотиплар бирон бир халқقا хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, ўзбеклар меҳмондўстлиги, руслар таваккалчилиги, қозоқлар қайсарлиги, турклар ҳиссиётлилиги, хитойликлар сертакаллуфлиги, японлар хушмуомалалиги, италянлар қизиққонлиги, эстонлар сусткашлиги, немислар тартибга аниқ риоя қилиши билан бутун халқ ҳақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган.

СУБКОД – функционал даражаси ва ҳажми “код”дан кичик бўлган коммуникатив остизим, тилнинг тури. Масалан, ҳозирги ўзбек миллий тилининг субкодлари бу – адабий тил, худудий диалектлар, ижтимоий жаргонлар, шаҳар (Тошкент) койнеси ҳисобланади.

СУБМАДАНИЯТ – иккинчи даражали, тобе маданият тизими (масалан, ёшлар субмаданияти ва ҳ.к.).

ТАБУ – маданий, диний, ирим ёки нохушлик уйғотиши нуктайи назаридан муайян хатти-ҳаракатлар ёки айрим сўзлар қўлланишини тақиқлаш. Табу сўзи тонга тилидаги < тапу < та – “белгиламоқ”, “ажратмоқ” ва пу – “бутунлай” 125 сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, “бутунлай ажратилган”, “алоҳида белгиланган”, яъни “ман этмоқ, тақиқламоқ” маъносини англатади. **ТАМАДДУН** (“цивилизация” < лот. цивилис – фуқаро) термини ХВИИ асрда вужудга келган. Ҳар бир маданиятнинг ўлими бўлган ўз тамаддуни мавжуд. Тамаддун ҳар қандай ижтимоий-маданий дунё ривожланишининг охирги босқичидир. Маданият миллий, тамаддун халқародир. Инглиз-америка анъаналарида

ҳар қандай алоҳида ижтимоий-маданий дунё цивилизациядир. Маданият янгини яратади, тамаддун фақат маълум нарсани тарқатади. **ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ** – шахс ва коммуникацияни ўрганишдаги назариялардан бири. Бу ёндашув тарафдорлари, аввало, коммуникациянинг тарихий вазияти билан қизиқишади. Мазкур нуқтайи назарга кўра, маданият жанг майдони сифатида талқин этилди. Яъни, маданий ҳодисаларнинг кўплаб изоҳ ва талқинлари бир жойга йиғилади, ҳар доим маданий фарқларни белгиловчи ва унинг характерини тушунтирувчи ҳукмон куч мавжуд бўлади. Танқидий ёндашув тарафдорларининг фикрича, маданий вазиятлардаги ҳукмон кучларни тадқиқ этиш ва тасвирлаш кишиларни қарши турла олишга ва бошқа маданият вакиллари билан янада самаралироқ мулоқотни йўлга қўйишга ўргатади.

ТАСВИРИЙ РАМЗЛАР бирон бир белги, аломат, кўриниш ёки тасвирни ифодаловчи тимсоллардир. Турли тасвирлар, оддий ва мураккаб геометрик фигуralар, осмон жисмлари, иероглифлар, харфлар, ҳатто тиниш белгилари тасвирий рамзларни ифодалашга хизмат қиласи.

ТИЛ – кишилар оқимини халққа айлантирадиган, мазкур нутқ жамоасининг ўзини ўзи англаши, маданияти, анъаналарини сақлаши ва уларни мерос қилиши орқали миллатни шакллантирадиган қучли ижтимоий воситадир. Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлик, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқарashi ҳам акс этади.

ВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ – (лот. вербалис – оғзаки ва лот. коммуникатио – мулоқот) вербал воситалар ёрдамида амалга ошириладиган, сўзли, нутқ иштирокидаги мулоқотдир. Вербал воситаларга инсоният табиий тилларининг турли белгилари (уларнинг оғзаки ва ёзма шакллари) киради.

ВИРТУАЛ КОММУНИКАЦИЯ – компьютер ва коммуникация технологияларига асосланадиган мулоқот тuri. Шахслараро, гурухлараро, оммавий бўлиши мумкин.

ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ – кишининг ёшига мувофиқ қарашлари, хаттиҳаракатлари ҳамда ўзини қандай тутишини маданий-меъёрий қоидаларга кўра аниқланиши.

ШАХСЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ – икки ёки андан ортиқ шахслар иштирок этадиган мулоқот. Вербал ва новербал шаклларга эга бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабр “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июн “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармон
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябр "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июн "2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябр "Илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябр “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Ш.Усманова, Г.Рихсиева. Маданиятлараро мулокот. Ўқув қўлланма. Т.-2017. - 135 б.
2. Дзя Юйсин: Межкультурная коммуникация. Шанхайский университет иностранных языков. 1997.-545 с. 贾玉新：跨文化交际学，上海外语教育出版社，1997.-545页.
3. Садохин, А. П. Введение в теорию межкультурной коммуникации / А.П. Садохин. - М : Высшая школа, 2005. - 310 с
4. Жуламанова Е.И. Культурные теории вежливости и стратегии речевого поведения. // Изучение китайского языка. – М.: «Муравей», 2003. – 163 с.
5. Зиямухамедова Ж.Т. Хитой тилини ўқитиши методикаси. Т.ТДШИ. 2020. “Ворис” нашриёти (ўқув қўлланма).
6. Назарова С. Методика обучения восточным языкам (китайский язык).-Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи», 2020. 116 с.
7. Назарова С.А. Хитой тилига ўқитишида талабаларнинг чет тили лексик компетенциясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДШУ, 2020. – 188 б.

8. Джураев Д. Хитой тилида талабаларнинг лингвокультурологик компетенциясини шакллантириш. Автореф. дис. ... пед. фан. док. – Т.: 2019. – 48 б.
9. Шасаидова Л. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш усуллари (ўйин методлари асосида). Дис. ... пед. фан. док. – Т.: 2020. – 217 б.
10. Сян Пинчжу. Когнитивная деятельность методики обучения иностранцев. – Ухан: Изд-во Педагогического университета «Хуа Чжун», 2014. – 238 с. 向平著。对外汉语教学的实践认知。– 武汉: 华中师范大学出版社, 2014. – 238页.

Қўшимча адабиётлар

11. Леонович О.А Введение в межкультурную коммуникацию: учебное пособие / М.: Гнозис 2007. - 368 с.
12. Чэн Цзинси. Теория развития навыков общения на китайском языке. Пекин: издательство «Народ», 2018.8 // 国际汉语语言交际能力培养论/ 陈敬玺著. – 北京: 人民出版社, 2018.8 宋莉. 跨文化交际导论。哈尔滨工业大学出版。2004 年。221 页。
13. Кочергин И.В. Очерки лингводидактики китайского языка. М.: АСТ: Восток – Запад, 2006. 192 с.
14. Масловец О.А. Методика обучения китайскому языку в средней школе. М.: Вост. Книга, 2012. 184 с.
15. Лю Шанвэй, Чжан Дунсю., Сунь Сичунь. Хитой тилини чет тили сифатида ўқитиш назарияси ва амалиети. Пекин: Чихуа Университети нашриёти, 2017-280 б. 刘上魏, 张冬秀, 孙熙春编著 对外汉语教学理论与实务。- 北京: 清华大学出版社, 2017.-238 页。

IV. Интернет сайтлар

16. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
17. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
18. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
19. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
 1. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
 2. www.britishcouncil.org – Британия кэнгаши веб сайти
 3. www.bonjourdefrance.com – Тил ўрганиш веб сайти
 4. www.edu365.cat – Тил ўрганиш веб сайти
 5. <http://www.duplaisiralire.com/> – Тил ўрганиш веб сайти
 6. <http://www.polarfle.com> – Тил ўрганиш веб сайти
 7. tsuos.uz – Тошкент давлат шарқшунослик университети веб сайти
 8. www.baidu.com

